МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Замонавий технологияларнинг мавжудлиги ёшлар учун бундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланишлари қувонарли ҳол бўлса-да, аммо гоҳида шу нарса уларнинг билим олишлари, айниқса, китоб мутолаа қилишларига тўсқинлик қилаётгандай кўринмоқда.

7 бет

ЮҚМАС БОЙЛИК

Ортларига қайтишгач, Шерзод олд ўриндиққа ўтирган заҳоти ёнбошдан ҳайдовчининг бўйнига пичоғини қадаб, "долларни чўз" деди. Аммо ҳайдовчи "Менда ҳеч қанақа доллар йўқ", деганча пичоқнинг тиғини чангаллаб олди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 7-fevral, №6 (839)

Таҳлил

Масъулият бор жойда интизом бўлади

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар энг аввало, шу жамият аъзоларининг турмуш тарзини янада яхшилаш, юрт фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу мақсадда, юртимизда ҳар қандай масаланинг ечими қонунлар ва улар асосида қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлар асосида адолатли ҳал этиб келинмоқда. Албатта, ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти биринчи галда ижро масъулиятига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бугунги кунда жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада мамлакатимиз прокуратура органлари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифаларини амалга ошириш орқали ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, бўлимимиз ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органлари томонидан судларда фуқаролик ишлари кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, судга даъво аризалари киритиш суднинг қонунга хилоф қарорларига нисбатан белгиланган тартибда протест киритиш, суд тизимининг барча босқичларида прокурор иштирокини таъминлаш орқали ўтган давр ичида муайян ишлар қилинди.

Хусусан, 2012 йилнинг таҳлилий маълумотларига кўра, биринчи инстанция судлари томонидан жами 156 643 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан 93 541 тасида прокурор иштироки таъминланган.

Апелляция тартибида 976, кассацияда 1356, назорат тартибида 371 та асоссиз суд қарорларига нисбатан прокурорлар томонидан протестлар келтирилган. Суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 93,9, кассация инстанциясида 96,1 ҳамда назорат инстанциясида 60,4 фоизни ташкил этиб, протестлар самарадорлиги оширилган.

Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида 231 та фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки таъминланиб, асослантирилган фикрлар берилди.

/Давоми 6-бетда/

Жараён

Обод турмуш кафолати

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки пайтлардаёқ ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаб олганлиги ва бу йўлнинг нақадар тўғри эканлигига бугун барчамиз гувоҳмиз. Аввало, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси сифатида барча соҳаларда юксалишлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлар, ҳуқуқий таргибот тадбирлари туфайли ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойили қонун устуворлиги эканлигини ҳар бир фуқаро чуқур англаб етмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш эса, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органларининг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу маънода, ўтган "Мустаҳкам оила йили"да Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилишлар 23 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф этилди. Бунда асосий эътибор давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатлар ижроси устидан назоратга қаратилиб, бу тадбирлар изчил ва тизимли тартибда амалга ошириб келинмоқда.

Иқтисодиётимизнинг негизи ҳисобланган тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес қатламини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва Бош прокурорнинг топшириқ ва кўрсатмалари ижроси таъминланмоқда. Жумладан, 2012 йилда вилоят, туман-шаҳар прокуратуралари аралашуви билан 99 нафар тадбиркорнинг муаммолари ҳал этилиб, шундан 2 нафарига рўйхатга ва ҳисобга олишда, 37 нафарига 924,2 млн. сўм кредит ажратилишида, 9 нафарига 128,6 млн. сўмлик ҳақларининг ундирилишида, 9 нафарига 238,9 гектар ер майдони ажратилишида, 1 нафарига муҳандислик коммуникацияларига уланишда, 9 нафарига бошқа турдаги амалий ёрдамлар берилиб, бунинг натижасида 120 та янги иш ўринлари яратилди.

8138 нафар хусусий тадбиркорлар ва 4760 нафар фермерлар иштирок этган 316 та учрашувда, 42 нафар тадбиркорга 1032,3 млн. сўмлик кредит, 4 нафар фермер хўжалигига 167,5 гектар, 10 нафар тадбиркорга 3,2 гектар ер майдони ажратилишида, 211 нафар тадбиркорнинг рухсатнома бериш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилинишида амалий ёрдам ва 2749 нафарига тегишли тушунтиришлар берилган. 32 та ҳолатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 29 та тақдимнома киритилган. Ноқонуний қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан 12 та протест келтирилиб, 17 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинган. 25 нафар шахс интизомий ва 16 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 2 та жиноят иши қўзғатилиб, 34 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Долзарб масалаларимиздан яна бири аҳолини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш эса ҳар бир фуқаронинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ва вилоятимизнинг барқарор ривожланиши шартларидан биридир. Шундай экан, бу масала ҳам прокуратура органларининг доимий назоратида.

/Давоми 4-бетда/

Ифтихор

Ислом оламида мақтовга жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлинади. Айниқса, "буюк" деган сўзни ишлатишда ўта ҳушёрлик талаб қилинади. Чунки "Аллоҳу акбар", яъни Аллоҳгина буюк деб қаралади. Буни исботлаш учун кўп далил келтириш шарт эмас. Мисол учун, биргина чумолини яратишки, одамзоднинг қўлидан келмас экан, шубҳасиз, Аллоҳ буюк-да!

Буюклик

Худо одамни ўзидаги яратувчилик фазилатини юқтириб, яъни бунёдкор қилиб яратди. Бунёдкордан бунёдкорнинг фарқи бор. Алишер Навоий шунинг учун буюкки, у нисбатан қисқа, яъни бор-йўғи олтмиш йиллик умри мобайнида, "Хамса"сининг охирида ўзи гўё Низомий Ганжавий тилидан қилиб айтганидек, одамзоднинг қўлидан келмайдиган ишни амалга оширди:

Ки келди замонида сендек киши, —
Ки эрмас ишинг одамизод иши.

Навоийнинг буюклигини исботлаш учун "Хамса"нинг ўзи етарли.

Шоир йигирма беш-йигирма саккиз ёшлари орасида Самарқандда ўқиди. Шу ердан туриб устози Саййид Ҳасан Ардашергa ёзган шеърий мактубида: "Агар менинг бошимни силайдиган бир раҳнамо-ҳомий топилса, ийҳом асосида, яъни сўзни бир бор қўллаб, бир йўла икки-уч маъно чиқадиган қилиб ёзиш талаб этилганида ҳам ҳар куни юз байт ёза оламан, Фирдавсий "Шоҳнома"ни ўттиз йил битган, менга қолса, бундай катта асарни ўттиз ойда битар эдим", — дейди.

1469 йили Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагани заҳоти дўсти Алишерни Ҳиротга чорлади. Шу ҳукмдор шарофати билан Навоий фаол ижод этиш имкониятига эга бўлди. Шунинг учун ҳам шоир шоҳни улуғ бобоси Амир Темурга ўхшатиб, "Соҳибқирон" (бахтли лаҳзада туғилган зот) деб мақтайди.

Ҳусайн Бойқаро эса, шоҳ бўла туриб, замонасининг буюк шоири ҳақида ўзбек тилида махсус "Рисола" деган асар ёзиб, аксинча, Навоийга: "Сиз Соҳибқиронсиз, замонлар келади, одамлар Сизнинг асарларингиз туфайли мени эслайди", — дейди.

Ана шу шеърият "Соҳибқирон"и, чиндан ҳам, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сича келадиган "Хамса"сини икки йилда битди. Давлат ва халқ ишларидан ортган пайтларим ёздим, агар бевосита машғул бўлган вақтимни ҳисобласам, бор-йўғи ярим йил чиқади, дейди шоирнинг ўзи. Ҳолбуки, Низомий Ганжавий ҳам, Хусрав Деҳлавий ҳам ўз "Хамса"ларини тугаллашга ўттиз йилдан вақт сарфлаган эди.

Дунё адабиёти 50 минг мисрадан зиёд бу қадар юксак шеърий асарни олти ойда битган бошқа бирон-бир шоирни кўрган эмас.

Навоий буюклигининг иккинчи бир исботи шуки, унинг бир ўзи туркий тилдаги шеъриятни Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий каби улуғ-улуғ форсий қалам соҳиблари кўтарган баланд чўққига олиб чиқиб қўйди. Устози ва пири Абдурраҳмон Жомий худди шунинг учун ҳам Навоий ҳақида: "Хайрият, у туркийда ёзди, агар у ҳам форсийда ижод қилганида эди, бизга нон қолмас эди", — мазмунида фикр айтди.

Навоий туркий адабиётни, шеъриятни ўзигача бўлган шоирлар ва адиблар даражасидан шу қадар юксак бир поғонага кўтардики, йигитлик пайтларида битилган:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч Қуёш, —

байти билан бошланадиган биргина ғазалидаги адабий қувватни ҳис этиб, Мавлоно Лутфий ўзининг 10-12 минг байтли туркий ва форсий меросини шу биргина ғазалга алмашишга рози эканини изҳор этди. Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ эди. Навоийнинг шугина ғазалиёқ оз сўз қўллаб, кўп ва хўб маънони ифодалаш, яъни балоғат бобида сўз санъатини унгача бўлган ўзбек шоирлари даражасидан нақадар юксак бир чўққига чиқариб қўйгани кимсан "малик ул-калом", яъни "сўз подшоси" Лутфийга маълум бўлган эди.

/Давоми 3-бетда/

Меъёрлар бузилган жойда

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари орқали ишлаб чиқариш, сервис ва тадбиркорликни йўлга қўйиш иштиёқидаги фуқаролар учун бир қатор имтиёзлар яратилган. Бу имкониятлардан кенг фойдаланаётган тадбиркорлар, хусусий бизнес сектори вакиллари сони ортиб, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий сектор ва кичик бизнеснинг улуши тобора салмоқли бўлмоқда. Юртдошларимизнинг турмуш фаровонлиги ортмоқда.

Мақсудбек ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Урганч шаҳар прокурори

Прокуратура органлари томонидан соҳага доир қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян чоралар кўриб келинмоқда. "Ишонч" телефонлари орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюштирилиб, уларнинг янада самарали фаолият кўрсатишларига кўмаклашилмоқда, ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратишда, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорларимиз ҳам уларга берилган имконият ва имтиёзлардан мамнунлар. Солиқ юкининг камайганлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш енгиллашганлиги, ҳисоботлар шаклларининг тобора соддалаштирилиб борилаётганлиги уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишларида муҳим омил бўлмоқда. Албатта, имтиёзлардан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини такомиллаштираётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил қилади. Бироқ, ҳамон қонунларни, талаб ва меъёрларни четлаб ўтишга уринаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Ўз шахсий манфаатларини давлат ва халқ манфаатларидан, қолаверса, қонунлардан устун қўяётган бундай тадбиркорлар қонуний жазога тортилмоқда. Ана шундайлардан бири "Hamkor Taraqqiyot Ushonchi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолбек Собировдир.

Камолбек Собиров 1963 йилда Хива туманида туғилган. Муқаддам, 2011 йилда жиноят ишлари бўйича Хива туман суди томонидан унга нисбатан ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши амнистия актига мувофиқ иш юритувидан тугатилган. 2012 йил жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми ва 277-моддаси 1-қисми билан судланиб, ЖКнинг 57 ва 59-моддалари қўлланилган ҳолда, 9 млн. 438 минг сўм жарима жазоси тайинланган.

"Hamkor Taraqqiyot Ushonchi" масъулияти чекланган жамиятини 2012 йилнинг 27 мартидан буён бошқариб келган ушбу тадбиркор бошиданоқ қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилган. Иш фаолияти давомида товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган. Жумладан, ҳар хил турдаги маҳсулотларни нақд пулга сотиб юборib, савдодан тушган 1 196 426,1 минг сўм нақд пулларни НКМдан ўтказмаган, банк муассасасига топширмаган. Қолаверса, сифат сертификати бўлмаган 1 032 595,8 минг сўмлик товарларни корхона ва ташкилотларга ҳамда аҳолига пул ўтказиш йўли билан улгуржи тартибда сотган.

Бундан ташқари, К.Собиров Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан унга нисбатан ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми аломатлари билан жиноят иши қўзғатилганлигини била туриб, жамиятнинг савдо ва хизмат кўрсатиш алоқалари бўйича қатъий ҳисобидаги бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини қасддан тўлиқ тақдим қилмасдан, яширган.

Мана шу каби далиллар асосида жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан К.Собировга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Шу ўринда қонунлар давлат тараққиётининг муҳим кафолати эканлигини таъкидлаб ўтишни истардик. "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир", дейди муҳтарам Юртбошимиз. Қонунларга бўйсуниш орқали биз нафақат бурчимизни, мажбуриятимизни бажарган бўламиз, балки ҳуқуқимизни кафолатлаймиз, тараққиётимизни таъминлаймиз. К.Собировнинг фаолияти бунга мисолдир. Умид қиламизки, бундан барчамиз тегишли хулоса чиқарамиз.

Прокурор ахбороти тингланди

"Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот беришлари лозимлиги белгиланган. Шунга кўра, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида Бухоро вилояти шаҳар ва туман прокурорларининг 2012 йил мобайнида қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоят прокурори Б.Деҳқоновнинг 2012 йил мобайнида вилоят ҳудудида қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Ахборотда 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси борасида вилоят прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, 2012 йилда вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган эътиборли ишлар билан бирга, бу борадаги жиддий нуқсонлар, қонунбузилиши ҳолатлари ёритилиб, уларнинг сабаблари рўйи-рост кўрсатиб ўтилди ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига риоя қилинишини таъминлаш аҳволи атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бўш вақтини банд этиш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш, коллеж ва лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги тадбирларни кучайтириш, ўсмирлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган аниқ тавсиялар берилди.

Жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, одам савдосига қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган тадбирлар ҳақидаги таклифлар муҳокама этилди.

2013 йил — "Обод турмуш йили"да амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар атрофлича муҳокама этилиб, бу борадаги вазифалар белгиланди.

Турли соҳа вакилларидан иборат бўлган депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга вилоят прокуроридан асослантирилган жавоблар олишди.

Мазкур масала юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларининг изоҳ ва тушунтиришлари эшитилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинди ва мазкур қарор билан "Бухоро вилояти ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини ҳамда аҳоли хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури" тасдиқланди.

Қинғир иш деярли доимо занжирсимон характерда бўлади. Бир эгрилик ортидан иккинчиси чиқиб келаверади. Жасур Насимов ҳали ёш бўлса-да, муқаддам бир неча бор судланишга улгурган. Унинг жиноий шерикларидан бири Жумақул Арипов ҳам Жасурга ўхшаш хавфли рецидивист ҳисобланади. Ж.Насимов ҳали ҳаётнинг ўнқир-чўнқирини унчалик билмайдиган, мулоҳазасиз ёшлардан бўлса, Жумақул Арипов унинг отаси тенги, нафақа ёшидаги одам. Аммо шундай бўлса-да, орқа-олдини ўйламаган бу кимсалар яна ноқонуний ишларга қўл уришди.

Устамон қонунбузарлар

Илҳомжон ҒАНИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бу йўлда уларга Фарҳод Файзиев "ҳамкор" бўлди. Жасур Насимов ҳамтовоқлари билан бирга "Jartepa pudari" хусусий корхонасини ташкил қилиб, директор лавозимига Ф.Файзиевни, бош ҳисобчи қилиб Ж.Ариповни тайинлади. Ўзи эса корхонанинг хуфиёна раҳбарига айланди. У корхона фаолиятини бевосита ўзи бошқарар, керакли қарорларни ҳам ўзи қабул қиларди. Биргаликда қурилиш ишларини олиб борувчи корхона сифатида иш бошлашгач, Пахтачи туманидаги "Сулув" қўрғончасида жойлашган намунавий уй-жойлар қурилишида 40 млн. сўмлик пойдевор қуриш ва монтаж ишларини олиб бориш учун "Narpay Beshchinor" МЧЖ билан шартнома тузилди. Шартномага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамига 25 млн. сўм маблағ кўчириб берилди. Шундай бўлса-да, корхона томонидан ҳеч қандай иш бажарилмади. Лекин ўтказилган пул маблағи бу шоввозлар томонидан ўзлаштириб олинди.

Ҳамтовоқлар 2011 йил давомида нақд 400 млн. сўмлик, юқори ликвидли, тез нақд пулга айланувчи товар-моддий бойликларни корхонага кирим қилмасдан, улгуржи сотиб юборишди. Тушган нақд пул маблағини банк кассаларига топширмай, "айлантириб" юравериши. Ҳеч бир қонун-қоидани назар-писанд қилмаган Жасур ва унинг ҳамтовоқлари, гарчи корхонанинг улгуржи савдо билан шуғулланишга лицензияси бўлмаса-да, фаолиятни давом эттиришди. Яъни махсус рухсатномасиз корхонада жами 7 млн. сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатилган. Қаловини топиб, қорни ҳам ёндиришга уста бўлиб кетган Ж.Насимов, Ж.Арипов ва Ф.Файзиев пухта ишланган режа асосида иш бажаришар эди. Улар келгусида корхонанинг сирлари фош бўлишининг олдини олиш учун қатъий ҳисобдаги барча ҳисобхона ҳужжатларини йўқ қилишди. Шу билан ўзларича жиноятларининг изини беркитган бўлишди.

Бойлик орттириш пайига тушган бу кимсалар шу билан тўхташмади, аксинча, навбатдаги қинғирликлар учун замин яратишди. Жасур Насимов ва Жумақул Арипов ҳамқишлоқлари Қурбонали Маҳманазаровни ўзаро "ҳамкор"ликка чорлаб, "Qurbonali qurilish baraka" хусусий корхонасини ташкил қилишди. Бу сафар директор лавозимида Қурбонали Маҳманазаров, бош ҳисобчи бўлиб Жумақул Арипов ва уларни хуфиёна бошқариб турувчи Жасур Насимов янги "ўйин"ларни бошлашди. Яна одатдагидек, ҳеч қанақа лицензиясиз улгуржи савдо фаолияти, бунинг устига корхонага кирим қилинмаган, банк кассаларига топширилмаган нақд пул маблағларини банкдан ташқари айлантириш ҳаракатлари амалга оширилди. Шу тарзда улар жами 378 млн. 100 минг сўмлик товар-моддий бойликларни сотиб, пулини айлантиришга улгуришди.

Бу орада "орқасини тозалаш" мақсадида барча керакли ҳисобхона ҳужжатларини йўқ қилишни ҳам уддалаган жиноий шериклар кейинги хусусий корхонани очиш ҳаракатига тушдилар. Бу сафар "Rahmatobod qurulliish Baraka servis" хусусий корхонаси номи билан иш бошлаган Жасур Насимов ва унинг ҳамтовоқлари жами 693 млн. 367 минг сўм миқдоридаги товар-моддий бойликларни ўзларининг одатдагидек "усул"ида сотиб, бир қатор ноқонуний ишларга қўл урдилар. На қонунни, на қоидани билган ёхуд билса ҳам "кўзни юмиб" ишлашга ўрганган бу кимсалар одатдагидек тегишли рухсатномасиз 38 млн. 200 минг сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишди. Улар ҳеч бир рухсатномасиз корхонада 7 млн. 500 минг сўмлик автотранспорт хизмати кўрсатиб келганлари етмагандек, корхонанинг барча керакли молиявий ҳужжатларини қасддан йўқотишди. Аммо қорлар ёғар, излар ёпилар, деб ўйлаган жиноятчиларнинг қилмишлари ўзлари нобуд қилган ҳужжатлари каби "йўқолиб" кетмади.

Қинғирликнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бироқ, Жасур Насимов, Жумақул Арипов, Қурбонали Маҳманазаров ва Фарҳод Файзиевларнинг қинғирликлари бунча муддат кутиб турмай, фош этилди. Корхона тузиб, кейин бузишга уста бўлиб кетган устамонларнинг ноқонуний фаолияти ва жиноий йўли шу ерда тўхтатилди.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилган ва товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб, лицензиясиз иш юритган ҳамда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, керакли ҳужжатларни қасддан нобуд этган бу кимсалар қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига

Буюклик

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Султонмурод ОЛИМ,
навоийшунос

Ғарб ва Шарқ адабиётларининг ўзаро таъсири ҳақида сўз кетганда, аксар ҳолларда ўрта асрлар биринчи Шарқ Уйғониш даври, яъни IX-X асрлар буюк мутафаккирларининг ундан кейинги замонлар Ғарб ижодкорларига, масалан, Абу Али ибн Синонинг Альигерри Дантега таъсири тилга олинади. XX асрга келиб эса Ғарбнинг Шарққа таъсири кескин кучайди. Бироқ тамаддунлар (цивилизациялар)нинг кўчиб юриши қонуниятига кўра, антик давр Ғарб маданияти Европанинг ўзида унутилиб кетган бир даврда, яъни IX-X асрларда Шарқ Ғарбни чуқур ўрганди.

Шарқдаги иккинчи Уйғониш даври XIV-XV асрларга тўғри келади. Бу давр фикрий тараққиётини ҳам Ғарб тамаддунидан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Алишер Навоий ижоди ҳам худди шундай. Шоир асарлари бунга ёрқин мисолдир.

"Хамса"нинг бешинчи достони "Садди Искандарий" бош қаҳрамони айнан Искандари Мақдуний, яъни Александр Македонский. Асардаги иккинчи асосий қаҳрамон эса унинг устози Арасту, яъни Аристотель.

"Хамса"нинг иккинчи достони "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳоднинг илм сирини очиш учун айнан Юнонистонга сафари каттагина қисмни ташкил этади. Бу саёҳатида у Суҳайло ҳаким (файласуф) билан, шунингдек, бутун башариятга таниқли Суқрот, яъни Сократ билан кўришиб, суҳбатлашади, улардан илм ўрганади.

Шоирнинг олтинчи достони бўлмиш "Лисон ут-тайр"даги энг катта ҳикоятда Шайх Санъоннинг насроний, яъни христиан қизга ошиқ бўлиши, шу ишқ оташида Румга, яъни Византияга бориши воқеалари батафсил ҳикоя қилинган. Аввалига қиз ошиғини роса қийнайди. Аммо охирида ўзи ҳам унга ошиқ бўлиб, шайхнинг динига киради, ёрининг қўлида жон беради.

Бугун баралла таъкидлашимиз зарур бўлган бир гап шуки, демократия — амалда бутун башариятнинг жамият тараққиётида асрлар мобайнида эришган ютуғи. Бу ютуқда Ғарбнинг ҳам, Шарқнинг ҳам бирдай ҳиссаси бор. Албатта, бугун демократик қатъиятларнинг (принцип)ларни ўз жамиятида жорий этишда Шарқ Ғарбдан жуда кўп нарса ўрганиши керак. Бироқ демократияни ҳозирги даражага олиб чиқишда Ғарб, шубҳасиз, Шарқдан ҳам кўп нарса ўрганган.

Биргина Алишер Навоий ижоди ҳам шундай дейишга тўла асос беради.

Шоир ўз укаси, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Балхда (ҳозирги Афғонистоннинг Мазори Шариф вилояти ҳудудида) ҳокимлик қилган Дарвешалига насиҳатларидан бирида уч нарсага қатъий амал қилишни айтади. Биринчиси, Аллоҳ ҳукмига. Иккинчиси, пайғамбар (с. а. в.) сўзларига. Учинчиси, подшоҳнинг фармон ва кўрсатмаларига. Бироқ, дейди, бугунги тушунчалар билан ифодалаганда, демократ шоир, подшоҳнинг буйруғини муҳокама қилиш, унга эътироз билдириш, қай бир масалада аниқлик киритиш зарурати туғилса, подшоҳга хат билан мурожаат қил. Шуни унутмаслик керакки, подшоҳга хат билан мурожаат қилиш туғишган акага хат йўллашдан фарқ қилади.

Улуғ мутафаккирнинг бу ўгитлари бугун ҳам демократия чексиз ҳуқуқлар мажмуи эмас, балки, аввало, қонунга риоя қилиш экани ҳақидаги умумбашарий қарашларимизга жуда-жуда ҳамоҳанглиги билан кишини лол қолдиради.

Бир ғазалини шоир дабдурустдан:

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,
Мендин-у, кимдинки кўнглунг истамас, озод бўл,

деб бошлайди. Маъноси шуки, киши ҳамиша кўнглига ёқадиган одамлар билан ўтириб-туриши, оғайнигарчилик қилиши керак. Агар кимдир унинг кўнглига ёқмаса, яхшиси, ундан узоқлашиши лозим. Мабодо, кўнглингга ёқмайдиган киши мен бўлсам, мендан ҳам қутул, дейди шоир улуғ даражадаги мардлик билан.

Ахир, бу демократиянинг бош ғояларидан бири эмасми?! Сенга ёқмаган кишининг ҳам яшашга ҳаққи бор. Индама, ундан ўзингни узоқ тут, бошқа йўлинг йўқ. Чунки у ҳам тенг ҳуқуқли инсон. У ҳам яшаш ҳуқуқига эга.

Шунинг учун ҳам Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан бохабар Ғарб олимлари уни, фавқулодда буюк зот, деб билади. Шунинг учун ҳам вафотидан кўп ўтмаёқ унинг асарлари Ғарб оламига кириб борди. XVI асрдан бошлаб то ҳозиргача шоир асарлари дунёнинг, жумладан, Ғарбнинг жуда кўп тилларига таржима қилиб келиняпти.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Россия Федерацияси, Япония, Озарбайжон Республикасининг пойтахтларида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, ҳали улуғ Навоий кенг дунёга бор бўю басти билан етиб борганича йўқ. Бобокалонимизнинг башарият ақл-заковат, бадиият ва маънавият оламига қўшган ҳиссаси шу қадар буюкки, замонлар ўтгани сайин бу Ер юзининг янги-янги бурчакларида ҳам теран англана бораверади. Навоийнинг сўзи етиб борган жойда эса, табиийки, ўзбекнинг обрўйида обрў қўшилаверади.

Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Сўз мулкининг соҳибқирони

Неъмат АРСЛОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

"Қаламким раҳнаварди тезу тақдур,
Азалдан манзили фавкул фалакдур".

Алишер Навоий мангу барҳаёт асарлари билан жаҳон адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган бетакрор ва беназир ижод соҳибидир. Шоирнинг замондоши султон Ҳусайн Бойқаро Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни "сўз мулкининг соҳибқирони" дея улуғлаганда таъмоман ҳақ эди. Бу таъриф йиллар ва асрлар ўтиши билан эскирмади, ўз кучини йўқотмади, аксинча янада мустаҳкамланди ҳамда шоир ижодига берилган муносиб баҳо сифатида эътироф этилди.

Бугун Навоий ҳазратларининг муборак номи Ҳомер, Данте, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Шекспир, Гёте, Пушкин, Лев Толстой каби жаҳон адабиётининг улуғ сиймолари қаторида тилга олиниши қалбимизни ифтихор туйғулари билан нурафшон этади.

Ҳазрат Навоийнинг яна бир замондоши, устози ва дўсти Мавлоно Жомий шоир қаламининг қудратига тан бериб, уни Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий панжасига панжа ура олган ва ҳатто улардан ҳам ўзиб кетган сўз сеҳргари сифатида таърифлайди. Бу таъриф шоирнинг хамсанавис сифатидаги маҳоратига берилган юксак баҳо эди.

Дарҳақиқат, Навоий яратган "Хамса"даги беш бебаҳо достон ўзининг ғояси, бадиияти, тили ва услуби билан Ганжавий ва Деҳлавий томонидан яратилган "Хамса"лардан тубдан фарқ қилади. "Ҳайратул аброр"ни ҳисобга олмаганда "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий" достонларини ҳозирги давр атамаси билан айтганда, шеърий роман десак хато бўлмайди. "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайратул аброр" қолган тўрт мустақил асарга кўрк бериб турувчи манба, бош булоқ вазифасини ўтайди.

"Ҳайратул аброр" чиндан-да ҳайратомуз асар. Биз унинг саҳифаларида маънавиятнинг юксак мақоматига ва камолотнинг олий даражотига доир барча яхши хислатларни кўрамиз. Унда инсон маънавиятига дахлдор шу қадар кўп ва хўб фикрлар жамланганки, бу жиҳати билан "Ҳайратул аброр" жавоҳирлар сандиғидир.

"Улки букун қутби тариқатдир ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдир ул.

Кўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойнаси.

Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили олдида ҳал".

Мавлоно Жомий таърифида маржондек тизилган ҳар бир байт шодасидаги дуру жавоҳирлар енгил, ўйноқи руҳ ва айни пайтда зуҳур этиб турган тасвирнинг тиниқлиги, қофияларнинг тўлиқ ва мустаҳкамлиги билан кишини ўзига ром этади.

Навоий "Хамса"даги ҳар бир қаҳрамонни катта маҳорат билан тасвирлади. Ҳар бирига ўзига хос хулқ ва характер ҳамда аниқ қиёфа берди. Хусусан, "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳод образи инсониятга барча жиҳатлари билан намуна бўла оладиган даражада мукаммал яратилганки, бугунги ёшлар китоб ўқишда ("Ўқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шиори"), хотира мустаҳкамлигида ("Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа, бори") Навоий яратган қаҳрамонга эргашадилар, мардлик, жасорат, севги бобида Фарҳодга ўхшашни ёдда тутадилар, бу камолот сари ташланган дадил қадамдир.

"Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий" ҳам руҳий оламимизни бойитишга ва камолот сари етаклашга хизмат қилади.

Навоий яшаб ижод этган даврдан буён неча асрлар ўтди. Халқимиз шод-ношод кунларни бошдан кечирди. Неча-неча ноҳақликлар, босқинлар, беаёв урушларни кўрди. Араб ёзувига, китобга ва умуман маънавиятимизга бўлган тажовузлар даврида ҳам китобсевар халқимиз Навоий асарларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шоир асарларини ўқиш, ундан илҳом олиш, тадқиқотлар олиб бориш бир дам тўхтамади. Энг қийин damларда ҳам Навоийга таяндик ва ундан маънавий озуқа олдик. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзувчи Ойбекнинг "Навоий" романи дунёга келдики, бу халқимизнинг руҳан бардам ва енгилмас эканлигига, қабоҳат устидан эзгуликнинг тантана қилишига бир ишора эди. Зеро, улуғ шоирнинг ўзи ҳам мангу барҳаёт асарлари ва ўлмас образлари орқали инсониятнинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлаб, уни эзгуликка руҳлантириб турарди.

Адабиёт оламида Ҳомернинг базм дастурхонидан тушиб қолган увоқни топиб олган киши ҳам буюкликка дахлдор бўлиши тўғрисида ибратомуз фикр бор. Алишер Навоий асарларининг қадру қиймати йиллар ва асрлар ўтган сайин шу даражада эътибор қозонмоқдаки, Ҳомер даҳоси ҳақида айтилган бу гапни эндиликда улуғ Навоийга ҳам нисбат бериш адолатдан бўлур эди. Хусусан, шоирнинг тўрт китобдан иборат "Ҳазойин-ул маоний", "Лисон-ут тайр" каби ҳар жиҳатдан етук ва мукаммал асарлари қудратли қалам соҳибининг дунёдаги барча буюк сўз сеҳргарлари билан бўйлаша оладиган мавқедаги ижод соҳиби эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Биз тилимизнинг бугунги камоли туфайли ҳам улуғ бобомиздан миннатдормиз. Шоир яшаб ижод қилган замонларда фан, адабиёт, давлатни бошқарув ишлари асосан форс тилида олиб борилларди.

Навоий тилнинг давлат, жамият ва халқ учун беқиёс катта аҳамиятини теран англади ва бу борада ижтимоий-фалсафий фикрлар баён этди. "Муҳокаматул луғатайн" асарида туркий тилнинг ўзига хос жиҳатларини, сўз бойлиги ва ифода қувватини аниқ мисоллар воситасида тушунтириб берди. "Ҳазойин-ул маоний", "Хамса", "Лисон-ут тайр" ва бошқа асарларида туркий тил билан ғўзал ва бетакрор асарлар ёзиш мумкинлигини исботлади.

Улуғ шоир ҳали болалик пайтларидаёқ Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ-ут тайр" асарини ўқиб ёд олди ва кейинчалик ўзининг "Лисон-ут тайр" асарига қалам ураркан, шундай ғўзал асарларни туркийда янада жозибалироқ иншо этиш мумкинлигини кўрсатиб берди:

"Чунки топдим ул калом ичра камол,
Турки алфози била сурдим мақол.
Наҳмалар туркона соз эттим ўқуш
Мастлиқдин ўйлаким, хушнағма қуш".

Кейинги икки мисра мазмунига эътибор қилинг, бу байтда туркона тил шу қадар жозибалики, уни тинглаб маст бўлиб қолиш ва хушнағма қуш овози деб ўйлаш мумкинлиги ҳақида ғўзал ўхшатиш қилинган.

Бугун биз Навоий улуғлаган ва тарғиб этган ана шу тилда сўзлаймиз, куйлаймиз ва ғўзал асарлар яратамиз. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг мавқеини янада мустаҳкамлади. Халқимизнинг асрий орзуси амалга ошди. Эндиликда ўзбек китобхони Дантенинг "Илоҳий комедия"сини, Шекспир трагедияларини, Гётенинг "Фауст"ини, Лев Толстойнинг "Анна Каренина" ва бошқа кўплаб романларини, ҳинд эпосларини, О.Бальзак, Хемингуэй, Кортасар каби дунёга танилган ёзувчилар қаламига мансуб асарларни ўз она тилларида ўқиб, маънавиятларини бойитмоқдалар.

Масаланинг туб илдизига қарайдиган бўлсак, тилимизнинг бугунги даражаси ва мавқеи улуғ Навоийнинг орзуси эди. Халқимиз томонидан бу орзунинг амалга оширилиши улуғ бобомизнинг руҳини шод этгусидир.

Обод турмуш кафолати

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Рауфжон ЭШМИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган йил мобайнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 49 та тақдимнома киритилган. Қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 6 та протест келтирилиб, 77 нафар шахсга нисбатан интизомий, 220 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган. Етказилган 40549,0 минг сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 63 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 5 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган. Хусусан, Узун туманидаги "Н.Рамазонов" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва котиби ўзаро тил бириктириб, 45 та ҳолатда жами 4,2 млн. сўмлик ижтимоий нафақаларни нотўғри тайинлагани, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шу каби Денов туманидаги "Оҳлар", "Лўпон", "Шаҳринав", "Ўзбекистон", "Пожур" маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи "Халқ банки"нинг Денов филиалига қарашли 011-сонли шохобча бухгалтер-назоратчиси Ш.Саидов хазиначи Н.Азимова билан жиноий тил бириктириб, 147 нафар фуқародан 10 млн. сўмдан ортиқ маблағни қисман ушлаб қолиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган. Уларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишининг тергови даврида фуқаролар манфаатларига етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилиши таъминланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилган ва судланувчиларга тегишли жазо тайинланган.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, жойларга 63 та тақдимнома киритилган,

5 нафар шахсга қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинган, 197 нафар шахс интизомий ва 246 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилган. Масалан, Шеробод туманида фаолият кўрсатаётган "Сурҳат Журъат" хусусий корхонасининг қадоқлаш цехида санитария талабларига жавоб бермайдиган жами 2 млн. 400 минг сўмлик ош тузи сотувга чиқаришга тайёр ҳолда турганлиги аниқланиб, ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва бунга йўл қўйган қонунбузарларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожланишининг омилларидан яна бири қулай инвестициявий муҳит яратишдир. Киритилаётган инвестицияларни бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳам прокуратура органларининг диққат-эътиборида бўлди.

2012 йилда инвестиция дастурига киритилган объектларда амалга оширилган қурилиш, таъмирлаш ишлари тегишли мутахассислар иштирокида таҳлил қилинди. Таҳлилларда аниқланишича, инвестиция дастурига асосан объектлар қурилиш-монтаж ва реконструкция ишларини бажаришда жиддий қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Бу борада аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида жойларга 3 та тақдимнома киритилиб, 32 нафар шахсга нисбатан қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳам мунтазам равишда ўрганилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида вилоят прокуратураси органлари томонидан қўзғатилган 11 та жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилди. Тергов натижалари бўйича 24 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Тергов жараёнида асосий эътибор зарарларнинг ундирилишига ва уй-жойлардаги камчиликларнинг бартараф этилишига қаратилди ва бевосита прокуратура аралашуви билан 1,8 млрд. сўмлик бажарилмаган ишлар охирига етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини тайёрлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳам назоратга олинган бўлиб, уй-жойларнинг ўз вақтида ва сифатли қурилиши ўрганиб борилмоқда. Ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, 83 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган. Қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларга нисбатан 32 та протест келтирилган. 28 та тақдимнома киритилиб, 21 нафар шахс интизомий, 54 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Судларга 52 та даъво ариза киритилган. 5 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга ошириб борилмоқда. Мазкур йўналишда асосий эътибор, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, давлатга пахта, ғалла ва пилла сотиш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда.

2012 йил давомида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 110 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, 7704 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мониторингларда жойлардаги айрим мансабдор шахслар томонидан суғориладиган унумдор ерларни фуқароларга ноқонуний равишда бериб юбориш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан ҳам доимий назорат олиб борилмоқда. Ўтган йилда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан ўтказилган 257 та текшириш ва ўрганиш тадбирлари давомида ғайриқонуний қарорларга нисбатан 93 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 376 та тақдимнома киритилди. Прокурорларнинг тақдимномаси ва қарори бўйича 2127 нафар шахс интизомий, 1129 нафари маъмурий, 98 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Судларга 7,3 млн. сўмлик зарарларни ундириш бўйича 33 та ариза киритилди. Етказилган 19,6 млн. сўмлик моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилиб, жиддий қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан 79 та жиноят ишлари қўзғатилди ва 332 нафар вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа мутасаддилар ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида 2012 йилда олдинги йилга нисбатан вояга етмаганлар жиноятчилиги камайишига эришилди.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим билан тўлиқ қамраб олиш, таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш устидан назорат самрадорлигини оширишга жиддий эътибор берилди. Никоҳ ёшига етмаган қизларни шаръий никоҳ орқали эрта турмушга бериш ҳолатларининг олди олиниб, бунга йўл қўйган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда қатъий чоралар кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини обод турмушимиз кафолати, деб билган вилоят прокуратураси органлари ходимлари жорий — "Обод турмуш йили"да ҳам ҳар бир соҳада қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Қонунийликни таъминлаш йўлида

Таъкидлаб ўтиш керакки, прокуратура органлари олдидаги энг муҳим вазифа — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижросини назорат қилишдан иборат. Бинобарин, қонун устуворлиги сўзсиз амал қилган жойлагина ислоҳотлар ўз самарасини бериб, ривожланиш бўлади.

Бахриддин ТУРСУНОВ,
Яккасарой туман прокурори вазифасини бажарувчи

Шу боис, ўтган йил мобайнида Яккасарой туман прокуратураси томонидан назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни жадаллаштиришга доир қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси юзасидан 21 та текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича 82 та қонунга зид ва асоссиз қарорлар аниқланган ва протест киритилиб, қонунбузилиши ҳолатларига барҳам берилган. Шунингдек, 41 та тақдимнома киритилиб, қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг 234 нафарига интизомий, 81 нафарига маъмурий ҳамда 24 нафарига моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатиш ҳақида қарорлар чиқарилиб, ушбу қарорларнинг ижроси тўлиқ таъминланган.

Коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, тўлов интизоми тўғрисида, шартнома интизоми, меҳнат ва бандлик тўғрисида, банклар ва нақд пул муомаласи тўғрисида, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида қўзғатилган жиноят ишлари тергов якуни бўйича судга юборилиб, суднинг ҳукмлари чиқарилган. Қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг сифати яхшиланиб, киритилган тақдимномаларнинг кўриб чиқилишида прокурор иштироки таъминланган. Киритилган барча протестлар қаноатлантирилган.

Шунингдек, маъмурий, моддий ва интизомий жавобгарликка оид қўзғатилган ишлар тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиб, ижроси тўлиқ таъминланган. Фуқаролик ишлари бўйича туман судига киритилган даъво аризалари кўриб чиқилиб, даъво суммалари ундирилмоқда. Жумладан, 61,510 млн. сўмни ундириш бўйича судга киритилган 77 та даъво аризасидан 73 таси кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилган ва 61,310 млн. сўм маблағ ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғи юзасидан ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, туман ҳокимлиги, ДСИ, тумандаги банклар ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан ҳар ойда камида икки марта ҳуқуқий тарғибот учрашувлари ўтказилди. 2430 нафардан зиёд тадбиркор иштирок этган мазкур тадбирларда нафақат уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, балки фаолиятида юзага келган муаммоларни ҳал этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тезкор ва тўлақонли ҳимояланишини таъминлаш мақсадида жорий этилган "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларнинг барчаси туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Жумладан, туман электр тармоқлари корхонаси томонидан "Фартуна Принт" МЧЖ биносининг электр тармоғидан ноқонуний тарзда узиб қўйилганлиги ҳақидаги жамият раҳбари Д.Азизовнинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, мурожаат қаноатлантирилиб, МЧЖ биносининг электр тармоғига уланиши таъминланди.

Шу каби, "Лидер болалар боғчаси" МЧЖнинг ноқонуний равишда газ тармоғидан узиб қўйилганлиги ҳолати юзасидан қилинган мурожаат текширилиб, бино газ тармоғига уланган ва ташкилотнинг бузилган ҳуқуқи тикланган.

/Давоми 11-бетда/

Қонунга мувофиқлаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди. Бу ғоя Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир.

Алишер МИНГБОЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Мустақилликнинг ўтган 21 йили давомида амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг барчаси халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, фаровонлиги ҳамда Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига қаратилган бўлиб, инсон манфаатларига асосий омил сифатида қаралиб келинмоқда.

Бу борада прокуратура органлари ҳам ўзларига қонун билан юклатилган вазифаларини амалга оширишда Парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунлар асосида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга, давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатини намоён этишга ҳисса қўшмоқдалар.

Қонунда белгиланганидек, прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат бўлиб, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув каби прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали қонунбузилиши ҳолатларининг олди олинишини, бартараф этилишини таъминлайди.

Ушбу назорат ҳужжатларидан бири ҳисобланган протестни прокурор қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради ва ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиб, қонун талабларига мувофиқлаштиради.

Бу борада Бош прокуратуранинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан 2012 йилда ўтказилган текширишлар натижаси бўйича келтирилган протестлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинганида, ўтган йил давомида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳокимликлар ҳамда бошқа ташкилотларда ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, 89 та протест келтирилган.

Мазкур протестларнинг кўриб чиқилиши натижасида қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бекор қилиниши таъминланиб, 1300 га яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазири номига келтирилган протест асосида вазирликнинг 2012 йил 2 августдаги буйруғи билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали олий таълим муассасаларининг битирувчи талабалари амалда олмайдиган стипендиялари суммасини контракт тўловидан камайтирган ҳолда тўлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Бунинг натижасида фақатгина жорий ўқув йилининг ўзида 39 мингга яқин битирувчи талабаларнинг жами 15,7 млрд. сўмлик маблағларининг тежалиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, идора, ташкилот ва муассасаларнинг 1296 нафар шахса интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида қабул қилган 23 та буйруқ ёки фармойишлари бекор қилинган. Хусусан, Тошкент кимё-технология ва Тошкент автомобиль йўллари институтларининг факультет деканлари томонидан қабул қилинган фармойишларга асосан 1285 нафар талабага ноқонуний равишда интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги сабабли ушбу фармойишлар бекор қилиниб, талабаларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги "Ихтирочи" кичик корхонаси фаолиятини тугатиш ҳақидаги буйруғининг протестга асосан бекор қилиниши натижасида ушбу корхонанинг яна тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият яратилган.

Шунингдек, келтирилган протестларнинг кўриб чиқилиши натижасига кўра, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг 25 та меъёрий ҳужжатлари ҳамда 41 та бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бекор қилинган ёки қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилган. Масалан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан 2000 йил 4 августда тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидалари Меҳнат кодексининг 181-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2005 йил 21 июлдаги Фармонига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли, мазкур қоида Бош прокуратуранинг 2012 йил 28 ноябрдаги протестига асосан бекор қилиниб, қонун талабларига мувофиқ янги таҳрирдаги ички меҳнат тартиби қоидаларининг қабул қилиниши таъминланган.

Шу билан бирга, келтирилган протест натижасида Меҳнат кодексининг 54-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги 2002 йил 24 декабрдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда қабул қилинган Иқтисодиёт вазирлигининг жамоа шартномасининг қонун талабларига мувофиқ янги таҳрири ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, келтирилган протестларнинг кўриб чиқилиши натижасида вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахсларига Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорининг 4-банди ҳамда Адлия вазирлигида 1995 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтган "Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисидаги Низом"нинг 3,2-банди талабларига зид равишда мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш эвазига тўланган 10,4 млн. сўм бюджет маблағлари қайтарилган.

Табиат инсоннинг дўсти

унга зиён етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Табиатда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Мисол тариқасида ўрмонларни олайлик. Ўрмон кесилса, ўша ҳудудда сув мувозанати бузилади. Тупроқ эррозияси кучайиб, ҳаво таркибида кислород камаяди. Натижада глобал экологик муаммолар келиб чиқади.

Муҳамбетали БАБАТАЕВ,
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори

Ёки автомобилларни олсак. Бугун ер юзида миллионлаб автомобиллар бор. Неча минглаб завод ва фабрикалар ишлаб турибди. Албатта, уларнинг инсоният учун қанчалар фойдали эканлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо, улардан чиқаётган заҳарли газлар туфайли атмосферага етказилаётган зарарни биламизми? Шу ва шунга ўхшаш муаммолар инсонни табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, табиий ресурслардан янада оқилона фойдаланишга ундамоқда.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан қонунлар қабул қилинган. Экологик ҳаракатлар, партиялар тузилган. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Юртбошимизнинг ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига парламентнинг қуйи палатасида 15 та депутатлик ўрни квота тариқасида ажратилган бўлиб, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, табиатни асраш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масалалари ЭКО ҳаракатнинг дастурида ҳам, фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида ҳам махсус Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси мавжуд бўлиб, ўтган йили бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2012 йилда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 17 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний чиқарилган қарорларга 27 та протест келтирилган. 38 нафар шахсга интизомий, 78 нафарига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид, 3 нафар шахсга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилган. Судларга 3 млн. 572 минг сўмни ундириш юзасидан 14 та даъво аризаси киритилган.

Фикримизнинг далили сифатида мисолларга мурожаат қилсак. Хусусан, Нукус политехника касб-ҳунар коллежи маъмурияти экология тўғрисидаги қонунларни яхши билмайди, шекилли, коллеж автотранспортлари томонидан техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлаб чиқарилган газларнинг ифлослантирувчи моддалари таркибига эътибор бермаганлари етмаганидек, тегишли нормативларга мувофиқлигини ҳам текширмадилар. Натижада, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 16- ва 17-моддалари талаблари қўпол равишда бузилади. Билим юртида ҳосил бўлган чиқиндиларни вақтинча сақлаш учун махсус идишлар қўйилмагани учун очиқ ҳолда ётибди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан коллежнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Б.Танирбергенов, бош ҳисобчи С.Нистбоев ҳамда механик Б.Жолдасбоевлар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Қорақалпоғистондаги Бадай тўқай давлат қўриқхонаси республикамизнинг фахри ҳисобланади. Бу ерда ҳайвонот ва табобат оламининг энг нодир турлари бор. Қўриқхонадаги ҳар бир ўсимлик ва жонивор "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўрмон тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талаблари асосида ҳимоя қилинади.

Аммо, Қуйи Амударё Давлат биосфера резервати катта бўлим нозири К.Нуралиев, шу муассаса бўлим нозири Р.Мадреймов, бўлим бошлиғи А.Давлетяровга бириктирилган ҳудудларда туронғил дарахтларининг ноқонуний равишда кесилишига йўл қўйилган. Ушбу ҳолатлар бўйича айбдорлар тегишли жазоларини олишди ва табиатга етказилган зарар ундирилди. Корхона раиси номига қонунбузилиши ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берилган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритилди.

Юқорида қайд этганимиздек, Қорақалпоғистон ҳайвонот оламига бой. Ҳозир бу ерда қўён, тулки, шоғол, тўнғиз, кийик ва бошқа жониворлар кўп учрайди. Аммо афсуски, айрим фуқаролар ана шу жониворларга нисбатан бешафқат бўлмоқдалар. Беруний туманидаги Амударё давлат биосфера резервати Толлиқ қўриқхонасидаги кийикларга нисбатан ноқонуний равишда овчилик қилмоқчи бўлган З.Машарипов ва Н.Сариев қўриқхонага яширинча кириб, ноқонуний равишда бир бош кийикни овлайдилар. Натижада давлатга 18 млн. 876 минг сўм зарар етказдилар. Прокуратура томонидан мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, "овчи"лар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, табиат инсониятга берилган улуғ неъматдир. Бу неъматнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Демак, бу ишга ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Масъулият бор жойда интизом бўлади

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатида 59 та иш бўйича суд қарорларига Бош прокуратура томонидан протест келтирилган. Бунга мисол қилиб, даъвогар С.Зокировнинг ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъвосини келтириш мумкин.

Мутахассисларнинг ер майдонининг туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилиши ва ушбу ҳудудда жойлашган давлат мулки бўлган бино-иншоотларнинг хусусийлаштирилиши ҳақидаги хулосасига кўра, туман Давлат ветеринария бўлими тўла давлат мулки ҳисобланса-да, фуқаро С.Зокировга 0,17 га ер майдони ажратилиб, мазкур ер майдонида жойлашган "Беккер қудуғи", "Биосинамалар ўтказиш учун ҳайвонлар сақлаш хонаси", "қоровулхона" биноси, "темир дарвоза", кириш бетон йўлаги ҳамда директор ва бухгалтерия биноси, омборхона, лаборатория ҳайвонларини сақлаш хоналарининг бериб юборилгани қайд қилинган.

Бундан ташқари, даъвогар С.Зокировга ажратилган ер майдонида ветеринария лабораториясига олиб келинган юқумли ва ўта юқумли касалликлар намуналари ташланадиган чуқур "Беккер қудуғи" ҳам бўлиб, бу қудуқ атрофида аҳоли фойдаланадиган биронбир иншоот қуриш мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош санитария врачининг 2008 йил 22 январдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли ҳудудларида атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги санитария меъёри Қоидаларида ветеринария лабораторияси ҳудуди зарарли моддалар чиқарадиган хавфлилиги бўйича 5-даражали санитария ҳимоя зонаси ҳудудига киритилганлиги, бу турдаги ҳимоя зонасининг чегара ҳудуди 50 метр қилиб белгиланган бўлишига қарамасдан, ҳимоя зонасидаги ер майдони туман ҳокимининг қарорларига асосан маиший хизмат кўрсатиш, ўқув маркази ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноларини қуриш учун ажратиб берилганлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Мазкур иш юзасидан Бош прокуратура томонидан Олий судга протест келтирилиб, протест қаноатлантирилган.

Бўлим томонидан шунингдек, суд қарорларининг қонунийлигини ўрганиш натижасига кўра, фуқаролик ишлари юзасидан қўйи прокуратураларга 92 та топшириқ ва кўрсатма юборилиб, шундан 4 таси бўйича жиноят иши қўзғатилган, 47 таси бўйича протестлар келтирилган.

Прокурорлар томонидан ўтган даврда етказилган моддий зарарларни ундириш ва бошқа масалалар юзасидан судларга 54 млрд. 137 млн. сўмни ундириш юзасидан 15 184 та даъво аризалари қўзғатилиб, 13791 та 41 млрд. 874 млн. сўмлик даъво аризалари судларда мазмунан кўрилган ва суд қарорлари асосида шу вақтга қадар 31 млрд. 120 млн. сўм миқдоридаги зарарларнинг ундирилиши таъминланган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш борасида қилинган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётганлигини кўриш мумкин. Чунки, кейинги йиллар давомида фуқаролар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қилинаётган мурожаатларнинг аниқлиги, мақсадлилиги билан бирга, сифат жиҳатдан ҳам бирмунча ошганлиги кузатилмоқда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш борасидаги тадбирлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи талаблари асосида ташкил қилинган.

Бунда фуқароларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда ҳал қилинишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, фуқаро У.Зоҳидовнинг суд қароридан норози бўлиб ёзган аризаси фуқаролик иши билан назорат тартибида ўрганилганда, қуйидагилар аниқланди. Маълум бўлишича, жавобгар М.Холматовага якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш белгиланиб, туман ҳокимининг қарори билан низоли ер участкасидаги қурилмаларга М.Холматовнинг эгалик ҳуқуқи берилган.

Орадан 17 йил ўтиб, даъвогар У.Зоҳидов ва К.Арамовалар туман ҳокимининг низоли вазиятни келтириб чиқараётган мазкур қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўрашган ва суд томонидан даъво қаноатлантирилган. Бош прокуратура томонидан фуқаролик иши ўрганилганда, даъвогар У.Зоҳидов томонидан судга низоли ер участкасига нисбатан мулкий ҳуқуқини тасдиқловчи бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат тақдим этилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий судига протест келтирилиб, қаноатлантирилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг аризалари асосида жами 249 та фуқаролик ишлари назорат тартибида ўрганилиб, суд қарорларининг қонунийлигига баҳо берилди. Келиб тушган аризаларнинг 252 таси ишга тиклаш, 1801 таси уй-жой масалалари, 129 таси моддий ва маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ ишлардир.

Вояга етмаганлар манфаатларини кўзлаб, болалари учун нафақа тўлашдан бўйин товлаган, ЖКнинг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган фуқароларни оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш, жиноят туфайли етказилган зарарларни ундириш ва бошқа ҳолатлар юзасидан судларга 8 та даъво аризалари келтирилди.

Бош прокуратурада соҳа юзасидан фуқаролардан келаётган мурожаатлар фуқаролик ишлари билан бирга ўрганилганида, жами 45 та жиноят ишлари қўзғатилган. Мазкур жиноят ишларининг 5 таси бевосита Бош прокуратура ташаббуси билан қўзғатилган.

Албатта, жамиятда қонун устуворлиги, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва эркинлиги поймол этилмаслиги барча учун бирдек манфаатлидир. Бироқ, баъзан айрим кимсалар шахсий манфаати йўлида қилаётган ишининг охирини ўйламасдан, ўзгаларни алдаш, ишончини суиистеъмол қилиш ва мол-мулкларини ўзлаштириш каби кабиҳ ишларга ҳам қўл уришмоқда. Бундайлар охир-оқибат қилмишларига яраша жавобгарликка тортилиб, эл-юрт олдида юзларини шувут қилишмоқда. Ана шундай кимсалардан бири Н.Камулин бўлиб, у меҳнатсиз бойиб кетиш мақсадида ўзганинг пулини алдаш йўли билан тап тортмай, ўзлаштиришгача борган. У 2009 йили ўзига тегишли бўлган уйни фуқаро Ш.Юлдашевга 65 млн. сўмга сотади ва уй олди-сотдиси вақтида ушбу пулнинг 50 млн. сўмини олади. Қолганини Ш.Юлдашев олти ой ичида беришга ваъда қилиб, бу ҳақда тилхат ёзиб беради. Уй борасида ўртада ҳеч қандай эътироз ва норозилик бўлмаганлиги боис, Ш.Юлдашев оиласи билан мазкур хонадонга кўчиб келади ва яшай бошлайди. Орадан икки ой ўтиб, Н.Камулин Ш.Юлдашевдан уй учун 145 млн. сўм беришни талаб қилади. Аммо Ш.Юлдашев келишув бундай бўлмаганлиги, қолган пулни тилхатда айтилган вақт ичида беришини эслатганида, Н.Камулин буни тан олмасдан, уйни бўшатиб қўйишни талаб қилади. Ўртада низо келиб чиққач, Н.Камулин судга мурожаат қилиб, Ш.Юлдашев ва унинг оила аъзоларини уйдан чиқариб юборишни сўрайди. Суд қарорига мувофиқ, Ш.Юлдашев оила аъзолари билан мазкур хонадондан мажбурий тартибда чиқариб юборилади. Н.Камулин бўлса уй учун олган пулини қайтаришни хаёлига ҳам келтирмайди. "Мол аччиги жон аччиги" деганларидек, Ш.Юлдашев ҳам йиллар давомида миқоллаб йиққан пулини шу тарзда йўқотишни, устига-устак алданиб, оиласи билан кўчада қолганидан кейин тегишли органларга мурожаат қилади. Унинг аризаси атрофлича ўрганиб чиқилганида, Н.Камулин алдаш йўли билан Ш.Юлдашевнинг ишончига кириб, жуда кўп миқдордаги пулни қўлга киритишга эришганлиги аниқланади. Ўртада низо келиб чиққанидан кейин эса, уйни бўшатиб қўйишни талаб қилиб, пулни қайтаришни ўйламайди ҳам. Н.Камулин бу ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини содир этади. Унга нисбатан ЖКнинг мазкур моддасига мувофиқ жиноят иши қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди. Бундан ташқари, Н.Камулин томонидан Ш.Юлдашевга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсадида туман прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилган. Чунки, Фуқаролик кодексининг 985-моддаси талабига кўра, ғайриқонуний хатти-ҳаракат туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги қайд этилган. Шу билан бирга, мазкур кодекснинг 1021-моддасида маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши, 1022-модда талаби бўйича эса, маънавий зарар пул билан қопланиши, уни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда, зарар етказувчининг айби даражасига қараб, суд томонидан аниқланиши белгиланган.

Шунингдек, Бош прокуратуранинг ташаббуси билан бўлим томонидан ҳар чоракда прокурорлар томонидан регресс тартибида аризалар киритиш, мулкни рўйхатдан чиқариш, моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари мунтазам умумлаштирилиб, қабул

Ботир НОРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

қилинган суд қарорларининг қонунийлиги ўрганиб борилмоқда. Жумладан, мулкни рўйхатдан чиқариш билан боғлиқ кўрилган жами 262 та ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган.

Мазкур тоифадаги ишларнинг 46 таси прокурор протестига асосан бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар М.Эрматовнинг жавобгар суд ижрочилари туман бўлими ва бошқаларга нисбатан хатланган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажримига асосан, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан судланган А.Ўктамовдан жабрланувчи О.Жабборова фойдасига жиноят оқибатида етказилган 5 млн. 966 минг сўм миқдоридаги зарарни ундириш белгиланган. Туман суд ижрочилари бўлими томонидан қарздор А.Ўктамовнинг уйидаги мол-мулклар хатланган. Бироқ, суд ишни ФПКнинг 132-136-моддалари талабларини бузиб, жавобгар туман суд ижрочилари бўлими вакилининг иштирокисиз кўрган. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси И.Камолов номидан ёзилган маълумотнома қалбакилаштирилганлиги аниқланса-да, суд ФПКнинг 19-моддаси талабига кўра ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш мақсадида, тўпланган ҳужжатларни ажрим билан ҳудудий прокурорга юбориш чораларини кўрмаган.

Шу сабабли, вилоят прокуратураси томонидан мазкур фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбориш ҳақида кассация тартибида протест киритилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш ва унинг пойдеворини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилаётган эканмиз, энг аввало, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишига эришиш биз кўзлаган мақсаднинг кафолатидир. Шундай экан, бу йўлдан оғишмай бориш, юрт равнақи ва фаровонлигини таъминлаш учун тинмай изланиш бизнинг доимий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Маърифат маскани

Тарихдан маълумки, моддий неъматлар жамғариш инсониятнинг бирламчи мақсадларидан ҳисобланиб келинган. Аммо XXI аср бу жараённи жамиятнинг бош ресурсига айланаётган ахборотлар ва билимлар билан алмаштирмоқда. Бугун ахборотга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, у жамият ва давлатни ривожлантиришнинг табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларлари билан бир қатордаги стратегик ресурс сифатида ҳам тушунила бошланди.

Замонавий ахборот ресурслари, ахборот тизимидаги оқим, қолаверса, компьютер технологиясининг ривожланиши бугунги кунда қоғоз шаклидаги ахборот ташувчиларни ўз навбатида электрон воситаларга ўтказаётир. Бу ҳолат идоравий ишларни, шу билан бирга, ўқув дарсликлари ҳамда бадиий адабиётларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ҳозирда глобал интернет тармоғи орқали ахборотларни мислсиз тезликда узатиш, ундан чекловсиз фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги барчамизга аён.

Замонавий технологияларнинг мавжудлиги ёшлар учун бундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланишлари қувонарли ҳол бўлса-да, аммо гоҳида шу нарса уларнинг билим олишлари, айниқса, китоб мутолаа қилишларига тўсқинлик қилаётгандай кўринмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, замонавий технологиялар ёшларга билим олишлари учун қулайлик яратишга хизмат қилиш ўрнига ўйин, кўнгилочар воситалар сифатида намоён бўлиб, уларнинг олтинга тенг вақтларини беҳуда ва самарасиз ўтказишларига сабабчи бўлмоқда, десак янглишмаймиз.

Бугун ёшларнинг, шу билан бирга, катталарнинг ҳам китоб мутолаа қилиш маданияти борасида оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинмоқда. Шундай бўлишига қарамай, катталар (ота-оналар) ёшларнинг кўнгилочар ўйинларга қизиқишини янада ошириб, кириб келаётган янгидан-янги турли замонавий технологияларни "кимўзар" қабилида сотиб олиб беришяпти. Бу ўз навбатида уларнинг ана шу компьютер технологиялари билан боғланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Китоб ўқиш масаласи эса ҳар доимгидек очиқлигича қолмоқда. Фикримизни жаҳон андозаларига мос, барча талабларга жавоб берадиган, янги қуриб фойдаланишга топширилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Халқ таълими вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган кутубхоналарга ўқувчи-ёшларнинг бориши хусусидаги маълумотлар асосида давом эттирмоқчимиз.

Маълумки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш ҳақида"ги Қарорига биноан ташкил этилди ва шунга мувофиқ (2002 йил 12 апрелгача Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси) "Миллий" мақомини олди.

2012 йилда фойдаланишга топширилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бугунги кунда 33 мингдан ортиқ аъзо рўйхатдан ўтган.

Ҳозирги кунда кутубхонага 15 минг 883 нафар талаба, 8 минг 206 нафар ўқувчи-ёшлар аъзо бўлган бўлиб, 1 минг 107 нафар магистр, 186 нафар профессор, 335 нафар доцент, 724 нафар олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва бошқалар самарали фойдаланиб келишмоқда. Қувонарли томонлардан яна бири, кутубхонага келувчилар орасида нафақадагилар, уй бекалари ва чет эл фуқаролари ҳам бор.

Ўтказилган таҳлиллар (кутубхона томонидан) билим излаб келаётган аъзоларнинг аксарияти касбий йўналиши, яъни мутахассислиги бўйича китобларни ўқишларини кўрсатмоқда. Хусусан, Миллий кутубхонанинг асосий китоб сақлаш фондларидан бўлган буюртмаларнинг 23 фоизи ижтимоий-сиёсий, 18 фоизи табиий-илмий, тиббиёт, 20 фоизи техника ва қишлоқ хўжалиги, 22 фоизи санъат-маданият ва спорт, 17 фоизи адабиётшунослик, тилшунослик ва бадиий адабиётни ташкил қилган. Худди шу йўналишлар бўйича кўрсаткичлар ўқув заллари (кутубхонада 12 та ўқув зали мавжуд) мисолида ҳам таҳлил қилинганда, ўқувчиларнинг 16,4 фоизи адабиётшунослик, тилшунослик ва бадиий адабиётни мутолаа қилишлари маълум бўлган. Юқоридаги рақамлар китобхонларнинг бадиий адабиётни мутолаа қилиш кўрсаткичлари пастлигини кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, биргина кутубхона мисолида барча жойдаги кутубхоналарда ҳам аҳвол бир хил, дейиш фикридан йироқмиз.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотига кўра, 2012 йилда тизимдаги ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий китоб фонди 26 млн. 873 минг 415 нусхани ташкил этиб, ушбу фонддан жами 6 млн. 139 минг 71 нафар китобхон фойдаланган. Шунингдек, электрон кутубхоналарнинг 105 таси автоматлаштирилган кутубхоначилик "КАДАТА" тизими билан таъминланган. Тизимдаги ишчи гуруҳи томонидан 88102 донадан ортиқ адабиётлар электрон нашрларга айлантирилган ҳамда фойдаланувчилар учун 33 минг 578 та турли йўналишдаги маълумотлар банки яратилган. Ҳозирги кунда ушбу электрон адабиётлардан жами 905 016 нафар китобхон фойдаланмоқда. Бундай электрон адабиётлар ўқувчиларга катта имкониятлар бериши билан бирга, китобни қўлга олиб ўқиш, ундаги фикрлар ва ғояларни теранроқ англашга тўлиқ имкон яратмаслигини ҳам кўпчилигимиз биламиз.

Шундай экан, биз катталар келажагимиз ҳисобланган ёшларимизга бефарқ бўлмай, китоб мутолаа қилишдек фазилатларни уларнинг онги-шуурига сингдирсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мерос бизнинг маънавиятимизни янада мустаҳкамлашга, анъаналаримиз ва қадриятларимизнинг бардавом бўлишига хизмат қилади.

Саккизинчи мўъжиза

Замон ва техника қанчалик тараққий этмасин, уларнинг барчаси китобнинг ўрнини босолмайди. Бу асрлар давомида синовдан ўтган ҳақиқат. Бизгача яратилган нодир китоблар шубҳасиз, башарият учун ҳам азиз бўлиб қолаверади.

Таниқли журналист Норбўта Ғозиевнинг "Huquq" газетасининг 2013 йил 17 январь сонида чоп этилган "Китоб мутолааси, муаммо ва ечимлар" номли мақоласида маънавиятимизнинг асосий илдизи бўлган китоб ва унинг қадри хусусида гап боради. Муаллиф таъкидлаганидек, айни вақтда бу борада баъзи муаммолар, ечимини кутаётган камчиликлар етарли. Кейинги пайтда китобга бўлган муносабат сусайгандек назаримизда. Дарҳақиқат, мақолада ёшларнинг китобга бўлган қизиқиши йўқолиб бораётганининг бир неча сабаблар асосли кўрсатиб берилган. Бунга ҳаётимизга замонавий технологияларнинг кириб келиши, ўқитувчи ва ота-оналарнинг бу жараёнга бефарқ муносабатда бўлиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, айрим "ёзувчи"ларнинг саёз асарлари ҳам китоб дунёси савиясини тушириб юбораётир.

Давраларнинг бирида кимнингдир янги китоби чиққани ҳақида сўз кетар экан, биров "ўзи шоирлар ҳам кўпайиб кетди-да" деди. Бу гапни айтган одам, истеъдодли ижодкорлар дунё миқёсида кўп эмаслигини, савияси ҳаминқадар китоблар кўпайиб бораётганини балки, билмас. Афсуски, паст савияли, тарбиявий аҳамияти саёз китобларнинг кўпайиб бораётганини инкор этиб бўлмайди. Анча йиллар муқаддам ижодий машқларим билан танишиб чиққан устозларимиздан бири "Дунёқарашингни шакллантириш учун мана бу китобларни, сўз бойлигингни ошириш учун эса бу каби асарларни ўқийсан" дея бир қатор адибларнинг китоблари рўйхатини беришганди. Эндиликда-чи, таҳририятларга илк мақолаларини олиб келаётган ёшларга шу кунларда чоп этилган китобларнинг ҳаммасини, юқоридаги маслаҳат билан тутқаза оламизми? Умуман, бу китобларнинг барчаси кишида қандайдир яхши фазилатни шакллантира оладими? Бунинг учун эса назаримизда, китобларни анчагина саралашимизга тўғри келади. Сабабини излашдан олдин бугунги кунда босмадан чиқаётган китоблар хусусида фикрлашсак. Юртимизда чоп этилаётган бадиий китобларни шартли равишда бир неча турга бўлишимиз мумкин. Улардан энг кўп сотилаётгани демак, энг кўп мутолаа қилинаётгани-бадиийликдан йироқ, адабий танқидчилар томонидан тан олинмаган, саргузашт, зўравонлик ва баъзан ҳаёсизлик акс этган, тижорий мақсадда ёзилган китоблардир. Ёшларимиз бундай китобларни ўқиётганидан хурсанд бўлишимиздан кўра, кўпроқ хавотир олишимиз лозим эканини айтишга асослар етарли.

— Яқинда китоб дўконларининг бирига киргандим, — дейди, "Пайариқ ҳаёти" газетаси муҳаррири А.Товбоев. — Мақсадим коллеж ва мактабда таълим олаётган фарзандларимнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун китоб олиш эди. Дўконнинг асосий қисмини эгаллаган китоблардан танлаб, ўзим яхши танийдиган ижодкорнинг китобидан иккитасини харид қилдим. Уйда бояги китоблардан бирини варақлаб, воқеаларига кўз югуртирдим. Бир неча варақ ўқиб, зўравонлик ва беҳаёликка дуч келгач, иккинчисини қўлимга олдим. Ундаям худди шундай ҳолат. Китоб олишда янглишганимни билиб, уларни фарзандларимга беролмадим.

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Ҳамкасбимизнинг бу ҳолатига деярли кўпчилигимиз дуч келамиз. Ҳатто, айрим газета-журналларни ҳам уйга олиб келишга ҳадиксираб қолдик. Сабаби, "замонавий эртак" кўринишидаги баъзи мақолаларни турмуш ўртоғимиз, укамиз, синглимиз ёки болаларимиз ўқиб қолишидан хавотир оламиз.

Ойига китоб ёзиб тугатаётган "ёзувчи"лардан бирининг гапи қулоғимга чалиниб қолди. "Кўпинча нашриётнинг ўзидан буюртма оламан. Асар воқеалари қайси мамлакатларда бўлиш кераклигидан тортиб, қанча одам ўлдирилиши лозимлигини ҳам ўзлари айтиб беришади", дейди ўша "заказ"га ишлайдиган ёзувчи. Буюртма асосида ёзилган китобда бадиийлик қай даражада бўлиши ўзингизга маълум.

Яна ҳозир шундай китоблар борки, улардан жамиятга ҳеч қандай наф йўқлигидан ташқари яна қанча муаммоларнинг илдиз отишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, баъзи китоблар муаллифнинг орзу-ҳаваси-ю, манфаати учунгина чоп этилаётир. Бундан университет, коллеж талабалари, лицей, ҳатто мактаб ўқувчилари фойдаланиб, турли мукофотлар олишга, танловларда қатнашишга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада эса саёз фикрли китоблар кўпайиб кетди.

— Анъанавий кутубхоналарга қараганда, рақамли кутубхоналарга кириб китоблар, архив маълумотларни, газета ва журналлардаги мақолаларни олиш тез ва осон,— дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабаси Н.Ҳусаинов. — Анъанавий кутубхоналарда маълумотлар омборининг сиғими чегараланган. Рақамли кутубхоналарда эса катта ҳажмдаги маълумотларни сиғдира олиш имконияти мавжуд. Сабаби оддий-рақамли ахборотлар жуда кам жойни эгаллайди. Яқинда менга Шекспирнинг "Танланган асарлар"и зарур бўлиб қолди. Ziyouz.com сайтидан машҳур драматургнинг "Танланган асарлар"и тўлиқ мажмуасини топиб олдим. Бу бизга жуда қулайлик туғдирди.

Талаба йигитнинг гапида жон бор. Интернетнинг имкониятларидан фойдаланишимиз керак. Бироқ, компьютерга тикилиб нимадир ўқиш билан оддий китобни мутолаа қилиш ўртасида катта фарқ бор. Бу китоб ўқиётган кишининг юзидаги ҳаловат ва мамнунликда аниқ билинади.

Бола тарбиясида, унинг қизиқиши, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда оиладаги маънавий муҳит асосий рол ўйнаши сир эмас. Аммо, бунга эътибор ҳамма оилаларда ҳам етарли эмас. Давлатимиз томонидан ёшларнинг билим олишига катта имкониятлар яратилса-ю, афсуски, биз бунга эътиборсизлик қилсак. Бугун юртимизда фарзандларимиз учун барча шароитлар бор. Демак, гап фарзандларимизнинг маънавий тарбиясига лоқайд қараётганимизда. Шуни унутмайлик, болада дунёқараш, фикрлаш қобилияти, ўқишга қизиқиш, атрофга муносабат каби фазилатлар оилада шаклланади.

Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш сари

Мамлакатимизда бутун қонунчилик тизими адолат, одиллик ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилиб, пировард мақсадимиз — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида "ўзбек модели" дея ном олган энг устувор йўналишларга таянган ҳолда йилдан-йилга янада такомиллаштирилмоқда.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи в.б., ю.ф.н.

Жорий йилнинг 4 январь куни матбуотда расмий эълон қилинган ва шу кундан эътиборан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам юқорида таъкидланган муҳим жиҳатларни қамраб олган. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Божхона ва Солиқ кодексига ҳамда 15 та қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай имконият яратишга, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни ва судланганлик институтини либераллаштиришга, ярашув институтини янада кенгайтириш, пировардида, қонунчиликни инсонпарвар ва либерал нормалар билан тўлдиришга қаратилган. Жумладан, қонуннинг 2-моддаси билан Жиноят кодексининг 41, 66[1], 79, 183, 223-моддаларига ҳамда "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" номли саккизинчи бўлимига қуйидагича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;

биринчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биринчи иловасининг 21-бандидан келиб чиқиб, ЖКнинг 41-моддаси тадбиркорлик субъектларинирг ўзларига кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, деган мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Бу эса, авваламбор, банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимларининг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишда иккиланиш, асоссиз хавфсирашларини ҳамда айрим ҳолларда тадбиркорлик субъектлари томонидан юқорида кўрсатилган шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимларининг асоссиз жавобгарликка тортилишларининг олдини олади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини ҳам оширади;

иккинчи, мамлакатимизда 2001 йилда бошланган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида Жиноят кодексига ярашув институтига оид 66[1]-модда киритилган эди.

Ўтган давр ичида ярашув институтини қўллаш амалиёти йилдан-йилга кўпайганлиги кузатилди. Масалан, 2002 йилда ярашилганлиги муносабати билан 8,7 минг шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 2008 йилда 21,8 минг, 2012 йилда 12 мингдан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий этилганидан буён эса, 138 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. Ушбу қонун билан Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган яна янги моддалар — "Сохта банкротлик" (180-модда), "Банкротликни яшириш" (181-модда), "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш" (189-модда) ва "Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш" (191-модда) киритилди.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, мазкур қонун қабул қилингунга қадар ярашув кўпроқ Жиноят кодексида белгиланган шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш, белгиланган қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлса, эндиликда, иқтисодиёт асосларига қарши айрим жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилди;

учинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 2-иловасининг 31-бандидан келиб чиқиб, ЖКнинг 79-моддаси ушбу кодекснинг 178-184, 185-185[2]-моддаларида (иқтисодиёт асосларига қарши айрим жиноятлар), 189-192-моддаларида (хўжалик фаолияти соҳасидаги айрим жиноятлар) назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин, мазмунидаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Бу билан, иқтисодиёт асосларига қарши ҳамда хўжалик фаолияти соҳасидаги айрим жиноятларни содир этган шахсларнинг келгусида, яъни жазони ўтаб бўлганларидан кейин ўз фаолиятларига эрта қайтиб ишлаб кетишларига имконият берилди;

тўртинчи, ЖКнинг қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарликни белгиловчи 223-моддасининг иккинчи қисми "такроран ёки хавфли рецидивист томонидан" ва "Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса" деган мазмундаги, қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатидаги иккита алоҳида банд билан тўлдирилди. Яъни, 223-моддада кўрсатилган жиноятни такроран ёки хавфли рецидивист, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этганлик учун жазо чоралари қўчайтирилди. Чунки, статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, биргина 2011 йил ва 2012 йилнинг 1-ярим йиллигида 133 нафар фуқаро такроран ушбу жиноятни содир этган, 15 нафари эса муқаддам ЖКнинг 223-моддаси билан судланган;

бешинчи, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" номли саккизинчи бўлимида кўрсатилган зарар даражаси ва миқдори билан боғлиқ тушунчалар ўзгартирилди.

Унга кўра, кўп бўлмаган зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар (илгари — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган зарар эди); анча миқдор, анча миқдордаги зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор, миқдордаги зарар (илгари — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдор, миқдордаги зарар эди); кўп миқдор, кўп миқдордаги зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор, миқдордаги зарар (илгари — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор, миқдордаги зарар эди); жуда кўп миқдор, жуда кўп зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор, миқдордаги зарар (илгари — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор, миқдордаги зарар эди) тарзда белгиланди.

Қонуннинг 3-моддаси билан Жиноят-процессуал кодексининг жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишни тартибга солувчи 325-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, ЖКнинг 167-моддасида ("Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш"), 170-моддасида ("Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш"), 172-моддасида ("Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш"), 173-моддасида ("Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш") назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилиши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 4-моддаси асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-, 178-, 223-, 245-, 249-, 258-, 283-, 287-, 291-моддаларига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ҳамда 176[4]-модда билан тўлдирилди:

биринчи, оз миқдордаги талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган 61-моддадаги талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож ҳисобланар эди. Мазкур қонун билан киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож эканлиги белгиланди. Бу билан оз миқдордаги талон-торож учун маъмурий жавобгарликка тортиш учун келиб чиқиши лозим бўлган зарар миқдори оширилди;

иккинчи, 1997 йил 25 апрелдаги "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларининг бажарилишида такси ҳайдовчилари ва тегишли масъул мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида "Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш" номли 176[4]-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқарганлик учун транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланишга масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши; белгиланган тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки уларнинг шикастланганлигига қарамай йўловчиларни ташиганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкинлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган ҳуқуқбузарликни содир этган шахси ички ишлар органлари, давлат солиқ органларининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли эканлиги, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарлик маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши ҳам белгилаб қўйилди;

учинчи, рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган 178-моддага ўзгартиш киритилиб, монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборотни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Илгари, ахборот тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумот тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланган эди. Шунингдек, монополияга қарши органнинг шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаганлик учун белгиланган жавобгарлик чиқарилди. Чунки, Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ, шартнома тегишли асослар бўлганда тарафларнинг келишувига ёки суднинг қарорига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Мазкур модданинг биринчи қисми санкциясига қўшимча киритилиб, жавобгар субъект сифатида фуқаролар ҳам киритилди, илгари фақат мансабдор шахслар белгиланган эди. Бундан ташқари, акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талабларни бузганлик учун жавобгарни белгиловчи учинчи қисм билан тўлдирилди;

тўртинчи, 2011 йил 14 сентябрдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Қонун билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилиш ўрнига турган жойи бўйича ҳисобга қўйиш тартиби жорий этилганлиги боис, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган 223-модда диспозицияси "вақтинча ёки доимий пропискасиз" деган сўзлардан кейин "ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан" деган сўзлар билан тўлдирилди;

бешинчи, ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳолатларни назарда тутувчи 283-модданинг биринчи қисмида, башарти фуқаро ўзи содир этган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга солинадиган жаримaнинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир қисмидан ошмаса жарима жойнинг ўзида баённома тузилмасдан ундирилиши мумкинлиги белгиланган эди.

Мазкур қонун билан ушбу қоидага ўзгартириш киритилиб, эндиликда баённома тузилмайдиган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар кескин қисқартирилди, яъни фақатгина МЖтК-нинг пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган 138-моддасидаги (бунда амалиётда, кўп ҳолларда пиёдалар томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўзи билан олиб юрилмаслиги эътиборга олинган) ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Яъни, қолган барча йўл ҳаракати қоидаларини бузиш тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар учун, гарчи бундай ҳуқуқбузарлик учун жаримaнинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир қисмидан ошмаса-да, жарима йўл-патруль хизмати ходими томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундирилиши мумкин эмас, бундай ҳолатда инспекторлар томонидан белгиланган тартибда ҳуқуқбузарлик факти баённомага расмийлаштирилади.

олтинчи, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ва тартибини белгиловчи 291-моддага қўшимча киритилиб, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган 128[6]-моддасидаги ҳуқуқбузарлик содир этилиб, агарда транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса, ички ишлар органлари ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказишга ваколатли эканлиги белгилаб қўйилди. Бу эса, ички ишлар органлари томонидан транспорт воситасининг эвакуация қилиниши мақсадга мувофиқлигини жойида ҳал этиш имконини беради.

Ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, деб қатъий белгилаб қўйилди. Илгари эса, бундай тартиб ҳокимлар билан келишилган ҳолда ички ишлар органлари томонидан белгиланар эди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар асосида ҳам молиявий муносабатларда жавобгарлик аниқлаштирилди, янада либераллаштирилди, ярашув институтини қўллаш доираси кенгайтирилди, судланганлик институти такомиллаштирилди, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳайдовчилар ва масъул шахсларнинг ҳушёрлиги ва масъулияти оширилди. Энг муҳими, амалдаги қонунчиликка киритилган юқоридаги ўзгартишлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазмунига мос келади.

Юқмас бойлик

2009 йилда содир этган жиноятн учун 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган Шерзод Ҳакимовга мурувват кўрсатилиб, ўтамаган жазонинг 1 йилу 11 ойи ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. У доимий яшаш жойи Қува туманига қайтиб келди-ю, бироқ ахлоқ тузатиш ишлари жазосини охиригача ўтамай турибди, яна жиноятга қўл урди.

Мирвали СОТИВОЛДИЕВ,
Фарғона шаҳар прокурори
ўринбосари
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

Кузнинг дастлабки кунларидан бирида қамоқхонада танишган қўқонлик оғайниси Акромхон Жўраев унинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Зўр иш бор. Бизникига келинг, маслаҳатни пишириб оламиз.

Шерзод Қўқон шаҳрига қанот чиқариб учиб борди.

— Савдогар, бойваччалар мана шу омонатни элтиб беринг, дея қўлимга даста-даста пул тутқазади, — деди жазони ўтаб қайтгач, Қўқон-Андижон йўналишида киракашлик қилаётган Акромхон. — Қўқондан йўлга чиқиб, "почта"ни Андижонда ёки Асакада, келишилган жойда кутиб оладиган шерикларига элтиб бераман. Қайтишимда ҳам қуруқ келмайман. Қўқондаги бойваччага мен келтириб берган сўм миқдорида доллар бериб юборишади. Яхшигина "почта пули" — "чопар ҳақи" тўлашади. Бироқ...

— Нима оёғингиздан чалдими, "чопар ҳақи"ни бермадими? — деди "разбор"га чақирди шекилли, дея хаёлидан ўтказган Шерзод.

— Беради, бермай қаёққа борарди. Лекин, ўз оёғи билан келиб турган даста-даста пулларни икки қўллаб тутқазавериш... алам қиларкан одамга. Каллама бир фикр келди. Қўқонлик бойваччанинг шериги қайтишимда мендан "почта"ни бериб юбормоқчи бўлганида, бирон-бир баҳона билан олмайман-да, таниш киракашлардан бирига рўпара қиламан. У "почта"ни олгач, телефонда сиз билан боғланиб, ўша киракашнинг қўл телефони рақамини айтиб бераман. Сиз унга эски танишлардай қўнғироқ қилиб, бизни ҳам Қўқонга олиб кетинг, дея илтимос қиласиз. Айтган йўлкирасига рози бўласиз. Биронта ишончли оғайнингиз билан машинасига ўтирасиз. Бошқа йўловчи олмасликка қўндирасиз. Йўлда, хилватроқ жойда машинани тўхтатиб, ҳайдовчини қўрқитиб, бойваччанинг шериги бериб юборган "почта"ни тортиб оласизлар. Ўлжани тенг тақсимлаймиз.

— Майли-ю, ҳайдовчи ёки пулнинг эгалари милицияга айтиб...

— Ўртада айлантирилаётган пуллар тоза эмас, турган-битгани криминал. Пулимиз йўқолди, топиб берингглар, деб арз қилишга қўрқишади. Эгалари мум тишлаб қолганини кўриб, пулни олдириб қўйган ҳайдовчи ҳам дамини чиқармайди. Буёғидан хавотир олмасак ҳам бўлаверади. Аммо...

— Бўлди, қанақа муаммо чиқса, ўзим ҳал қиламан.

Акромхоннинг теша тегмаган, пишиқ-пухта бўлиб туюлган режаси йигирма тўрт яшар Шерзодга маъқул тушди. Ўзини тоғни талқон қила оладиган йўлтўсар "қаҳрамон"дай ҳис қилди.

— Келишдик, — дея, оғайнилар қўл ташлашди. Шу тариқа "йўлтўсар босқинчилар"нинг жиноий гуруҳи ташкил топди.

— Олдингизга келаётиб, йўлкирага қарз олувдим, — деди Шерзод.

Акромхон ичкаридан бир даста пул олиб чиқди. Бойиб кетганимизда қайтарарсиз, дея меҳмоннинг қўлига тутқазди.

— Акромхон билан гапни бир жойга қўйдик, — деб кўрсатмасини давом эттирди суд мажлисида судланувчи Шерзод Ҳакимов. — Бойвачча "почта" элтиб беришни сўраганида, менга телефон қиладиган бўлди. У берган эллик минг сўм билан уйга қайтиб келдим...

Шерзод асли Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган, айни пайтда оиласи билан Қува туман марказида, кўпқаватли турар жой биноларидан биридаги уйда яшарди. У уйига келган заҳоти, Акромхон тайинлаганидай ишончли, тилига маҳкам муштумзўр шерик ислашга киришди. Битта маҳаллада, нариги "дом"да яшайдиган, асакалик тенгдоши Худойберди Парпиев бекорчи, йирик "ўлжа"нинг дарагини эшитса, ўзини томдан ташлаши аниқ.

— Қўшним Худойбердига Акромхоннинг режасини ётиғи билан тушунтирдим, — кўрсатмасини давом эттирди судланувчи. — У бўпти, мен рози, деб қўл ташлади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, 24 сентябрь куни эрталаб Акромхонхон менга қўнғироқ қилди...

"Ўша куни эрталаб Қўқондаги Андижон "питаги"да тургандим. Киракаш Бегали билан уяли телефонда гаплашдик. Унга асакалик бир одам Қўқондаги Рустам акага элтиб беринг, деб ўн беш минг доллар берибди. Мен дарров Қувага, Шерзоднинг қўл телефонига қўнғироқ қилдим. Унга Бегалининг қўл телефони рақамини айтиб бердим. Қўқонга ўн беш минг доллар билан йўлга тушади, машинасига йўловчи бўлиб чиқиб олинглар, деб тайинладим." (Йўлтўсар босқинчиларнинг "иштопар" шериги А.Жўраевнинг кўрсатмасидан)

Акромхон билан гаплашиб бўлган заҳоти Шерзод Худойбердининг қўл телефони рақамини терди.

— Иш чиқиб қолди...

Худойберди қўқонлик киракаш Акромхон Шерзодга айтиб берган Бегалининг қўл телефони рақамини терди. "Танидингизми ака, доим сизни машинангизда бориб келаман. Қаердасиз, ака? Андижонда бўлсангиз, ҳозир етиб борамиз. Бошқа йўловчи олмай туринг.

Шерзод билан Худойберди Андижон автовокзалида Акромхон телефонда айтган машина рақамларига биноан Бегалини дарров топишди. Талашибтортишмай, унинг оғзидан чиққан суммага кўнишди.

— Бошқа одам олманг, йўлдан бирга ўқийдиган икки қизни ҳам олакетамиз, — деди Шерзод.

"Нексия" Ўш-Тошкент йўлида Андижондан Қўқонга қараб елдай учиб бормоқда эди. Шерзод билан Худойберди ўзлари гўё қўқонлик бўлиб, Андижондаги университетда ўқиётган талабалардай, йўл-йўлакай ҳамшаҳар талаба қизларни ҳам машинага ўтқазиб олишадигандай гаплашиб боришмоқда эди. Ёзёвон туманининг Сойбўйи даҳасида чорраҳадан ўтганларидан кейин озроқ юргач, Шерзод чапдаги кўчага бурилишни сўради. Дала йўлидан икки чақиримча юришганда Худойберди, бироз тўхтаб туришни илтимос қилди. Иккаласи машинадан тушиб, бир четга ўтишди-да, ҳайдовчини тунаш режасини қайтадан пишитиб олишди.

Ортларига қайтишгач, Шерзод олд ўриндиққа ўтирган заҳоти ёнбошдан ҳайдовчининг бўйнига пичоғини қадаб, "доллари чўз" деди. Аммо ҳайдовчи "Менда ҳеч қанақа доллар йўқ", деганча пичоқнинг тиғини чангаллаб олди. Шу ондаёқ Худойберди ҳайдовчининг ўриндиғини орқага тушириб, елкасидан босди. Шерзод «бардачок»ни очиб, бир ўрам пулни олаётганида, Бегали жон-жаҳди билан юлқиниб, ўзини очиқ эшикдан ташқарига отди.

15 минг долларни олган босқинчилар, пиёда автотрассага чиқиб, йўловчи машиналарда Қувага қайтиб боришди. Шерзод қўл телефонида Акромхонни чақирди. Соат кундузги ўн иккиларда у киракашлик қилаётган машинасида Қувага етиб келди.

— Бундан кейинги йирик ишларга дастмоя бу, — деди у Шерзоддан пулларни олаётиб.

— Менга улушимнинг ҳаммасини беринг, пул зарил, — деди Худойберди.

Акромхон унга 5 минг доллар, Шерзодга эса қолганини зарур бўлганида олаверасиз, дея 1000 доллар берди. 9 минг долларни ўзи билан Қўқонга олиб кетди.

— Ўша куни кечки пайт Худойберди билан Фарғонага борадиган бўлдик, — деди судланувчи Ш.Ҳакимов суд мажлисида кўрсатмасини давом эттириб. — Оғайним Авазбек Қадировнинг "Тико" машинасида йўлга тушдик. Фарғона шаҳридаги "Ҳаммабоп" кафесида ўтирганимизда Бобиржон Сайдазимов телефон қилди. Худойберди Парпиев "шу ердамиз, келаверинглар" деди. Бобиржон Аҳмаджон Икромов билан кафега кириб келишди. Яна яримтани майдалаб, ўтиришни давом эттирдик. Шу пайт яна Худойбердининг телефони жирингланди. "Уйимга милиция ходимлари боришибди. Мени қидиришяптийкан", деди. Аҳмад ака нимага қидиришади, деб сўраганидан кейин, киракашдан пулни қандай қилиб тортиб олганимизни бир бошдан сўзлаб бердик. Аҳмад ака пул қани, деб сўради. Беш мингини Худойберди, бир мингини мен олдим, қолгани Акромхонда, дедим. Аҳмад ака қолган пулинигизни обберамен, деди. Кафедан кўчага чиқдик...

Шундан сўнг, Х.Парпиев, А.Қадиров, Б.Сайдазимовлар Қувага, Ш.Ҳакимов билан А.Икромов эса Қўқон шаҳрига йўл олишади. Бемаҳал келган меҳмонларни кўриб, А.Жўраевнинг дилига ғашлик оралайди. "Бир гап бўлса, бир-биримизни танимаймиз", дея Ш.Ҳакимовга қолган "улуши" — 4 минг АҚШ долларини қайтариб берди. Улар пулни олиб, ортларига қайтишди. Шерзод "мен қидирувдаман, уйга боролмайман", дегандан кейин, Аҳмад ака уни Шаҳрихондаги битмаган, кимсасиз ҳовли-уйига бошлаб борди. Шерзод ўша уйда яширинib, жон сақлайди. Орадан бир ҳафтача ўтиб, сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолган Худойберди ҳам ўша ҳовлидан бошпана топади.

Босқинчиликдан кейин, яширинib юришганига бир ярим ойча бўлиб қолган эди. Б.Сайдазимов акасига тегишли машинага эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун Тошкентга отланади. А.Икромов ундан ўзига каптар ҳам сотиб олишни илтимос қилади. У пойтахт бозорларида эҳтиёт қисмлар билан каптарларни харид қилиб бўлгач, таниш ҳайдовчига мени йўлдан олиб кетинг, деб Олмалиқ шаҳрига жўнайди. Орадан икки соатча ўтиб, таниши телефонда ҳозир бораман, тайёр бўлиб туринг, дейди. Бироқ, унинг ўрнига бошқа киракаш келади. Эҳтиёт қисмларни машинанинг юкхонасига жойлаштиришади. Қўлидаги 9 та каптар қамалган қафас билан ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиқдан жой олган Бобирнинг кўзи қўл тормози устидаги бир ўрам пулга тушадию, Шерзод билан Худойбердининг босқинчилик қилиб, киракашдан 15 минг доллар пулни тортиб олишганини эслайди. Ҳозир улар Аҳмад аканинг уйида яширинib ётишибди. Йўлтўсар босқинчиларни ишга солиш керак. Б.Сайдазимов ҳайдовчини гапга солиб, пулни қаерга элтиб беришини билиб олади. Оҳангарон шаҳридаги "Анҳор" ошхонасида тамадди қилишга тўхтаганларида бир четга чиқиб, А.Икромовнинг қўл телефони рақамини теради.

— Тошкентдан таксида келяпман. Ҳайдовчига бир одам "почта" бериб қўйди. Катта пул. Узоғи билан уч-тўрт соатларда етиб борсак керак. Мен Қуванинг Мозортаги қишлоғига элтиб қўйишни сўрайман. Ўша ерда, кўприк олдида йигитлар билан кутиб олинглар. Биронта баҳона билан машинани тўхтатаман. Сизлар ҳайдовчини уриб, пулни тортиб оласизлар. Ҳайдовчига қўшиб, мени ҳам урингглар. Токи, мендан ҳеч ким шубҳаламасин...

Шерзод Ҳакимов, Худойберди Парпиев, Абдурашид Абдураҳмоновлар билан тамадди қилиб ўтирган Аҳмад Икромов қўл телефонининг соатига кўз ташлади. Соат кечқурунги саккиздан ўтибди. Бобиржон ўтирган машина тун ярмида, соат ўн бир-ўн иккиларда етиб келади.

— Нимани гаплашдингиз?

— Бобиржон ўтирган такси ҳайдовчисидан катта пул бериб юборишибди. Мозортагидаги кўприк устида таксини тўхтатиб, пулини олиб қўямиз.

Улар ҳовлидан чиқиб, Шаҳрихондаги такси бекати томон юрдилар. Қувага бориб, Авазбекни топамиз, деди ораларида ёши катта, қирқни қоралаб қолган Аҳмад ака. Кўчада тўдага унинг укаси, йигирма тўққиз ёшга кирган Аббосхон ҳам қўшилди.

"Шерзод билан Худойберди такси ҳайдовчисини уриб, ўн беш минг доллар пулни тортиб олганларидан кейин бир ярим ойча ўтгач, кечқурун шаҳрихонлик Аҳмад ака уйимнинг олдига келиб, телефон қилди", — деди суд мажлисида судланувчи А.Қадиров. "Кўчага чиқинг, — деди. Кўчада мени Аҳмад ака, Аббосхон, қўшниларим, ўша пайтда қочиб яширинib юрган Шерзод, Худойберди, Абдурашидлар билан қарши олди. Аҳмад ака "Марғилон тарафга обориб келинг" деди. "Тико"ни миниб чиқдим. Мозортаги қишлоғи яқинидаги кўприк олдида ҳамма машинадан тушди. Аҳмад ака машинага қайтиб ўтириб, Акбаробод тарафга юришни буюрди..."

Акбарободга яқинлашганларида А.Икромов Бобиржон айтган белгиларга қараб, қарамақарши тарафдан келаётган "Нексия" машинасини танийди. Машина ёнларидан ўтиб кетади. А.Икромов телефонда йўлтўсар йигитларни ўлжа етиб бораётганини айтиб, огоҳлантиради. Улар кўприк олдида қўл кўтариб, машинани тўхтатмоқчи бўлишади. "Нексия" кўприкдан юз метрча ўтиб тўхтайди.

"Ҳамма йўловчилар тушиб қолишган, ёнимда кейинчалик тергов даврида исмини билганим Бобиржон ўтирган эди", — деди суд мажлисида жабрланувчи Н.Тошпўлатов. "Мозортаги қишлоғи яқинида кўприк олдида уч-тўрт киши қўл кўтарди. Тўхтамадим. Бобиржон илтимос қилгач, юз метрча юриб тўхтадим. Иккаламиз машинадан тушдик. Шу пайт ҳалигилар югуриб келиб, бизга ташланишди. Мени аямай уришди. Бобиржонни ҳам калтаклашди. Кейин машинани миниб, кетиб юборишди. Биз милицияга бориб, бўлган воқеани айтдик".

Дарвоқе, босқинчилар олисдан яқинлашаётган "Дамас" машинаси ИИБга тегишли бўлса керак, деб хавотирга тушишган, шу боис "Нексия"да қочиб қолишган эди. "Дамас" битта кўчага бурилгач, бекорга хавотир бўлишганига аҳдлари етиб, тўхташди. Акбароддан "Нексия"ни қоралаб келган А.Қадировнинг "Тико" машинасига, А.Икромовнинг ёнига чиқиб ўтиришди. Машина Фарғона шаҳрига кириб борди. А.Қадиров ўн етти минг сўм кира ҳақини олиб, ортига — Қувага қайтди. Йўлтўсар босқинчилар бошқа киракаш машинада Қувасойга жўнашди. Шаҳарда Худойбердининг қариндошлари бор эди. Бироқ, ярим тунда уларни безовта қилгилари келмади. Худойберди бошқа бир танишининг уйига бошлаб борди. Ўша ерда тунаб қолишди. "Нексия" ҳайдовчисидан бочқинчилик қилиб тортиб олган пуллари 2 млн. 200 минг сўм атрофида экан. Ўлжадан кимгадир икки юз минг, кимгадир уч юз минг, кимгадир юз минг сўм тегди. Шундай бўлса-да, босқинчилар бировдан тортиб олган пулларининг ҳузурини тотиб кўришга улгуришмади. Дастлаб "ишбоши" Акромхон Жўраев, сўнгра уюшган босқинчи тўданинг бошқа аъзолари қўлга олиндилар. А.Жўраев аввалроқ судланиб, жазога тортилган эди. Мана энди, унинг ҳамтовоқларига ҳам суд ўз ҳукмини ўқиди. Босқинчиларга уч йилдан тортиб, ўн ярим йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Қассоб Шодмон Турсунқулов қўйнинг бўғзига пичоқ тортаётганда бу бегуноҳ жониворнинг жигари катта жанжалларга сабаб бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. "Қўй сўйиш маросими"ни томоша қилиб турган ўн-ўн беш чоғли маҳалладошлар ҳайвон қони томчилаб турган пичоқнинг яна бир неча дақиқадан кейин одамга қаталишини ўйламас, қассобнинг оёқлари остида типирчилаб жон бераётган жониворга қараганча, гурунглашар эдилар. Албатта, қассоб шаънига баъзи бир хушомад сўзлар ҳам айтиларди. Ҳатто Шодмон қассобнинг кўп марта "ўтириб чиққани" ҳам гўё мақтов мисоли тилга олинарди.

Тиғга не ҳожат эди?!

Ахир яхши гап билан илон инидан чиқади, дейишади-ку

Рустам НОРЧАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

Воқеа ана шу тарзда давом этиб турганда, даврага қассобнинг маҳалладоши Юсуф Юлдашев келиб қўшилди. У ҳам қўйнинг жигарига харидор бўлди. Қассоб жигарга 100 грамм қуйруқ қўшиб, целлофан халтачага солдида, харидорга узатди. Худди шу пайт йўл бошида Юсуфнинг ўғли Шуҳрат кўринди.

Аввало, ҳар қандай зарур иш бўлса ҳам уни ортга суриб, қорамол ёки қўй-эчкини қушхонада сўйиш керак. Афсуски, аксарият қассоблар бунга амал қилишмайди. Молни катта-ю, кичикка "томоша кўрсатиб" сўяверишади. Ёш болалар бўғизланаётган жониворнинг типирчилаб жон таслим қилиши, қоннинг тизиллаб отилишини томоша қилиб туришади. Худди ана шундай лаҳзаларда боланинг мурғак онгига шафқатсизлик, берахмлик ин қўйиб олмаслигига ким кафолат бера олади? Боланинг руҳиятида кескин ўзгаришлар рўй бериши учун ана шу манзаранинг ўзи етарли эмасми? Айтмоқчимизки, ёши катталар болаларни мол сўйилаётган жойга яқинлаштирмасликлари ёки эргаштириб бормасликлари керак. Ҳар қандай катта ёшли киши ҳам бу каби томошадан ўзини тийгани маъқул.



Ўша куни (2012 йил 14 февраль) қассоб жигарнинг пулини тўламай кетаётган харидорнинг ортидан югуриб бориб, нима учун пулини тўламай олиб кетаяпсан, деб унинг қўлидан жигарни тортиб олади. Бундан жаҳли чиққан харидор тилига эрк бериб, сўкина бошлайди ва қассобни итариб юборади. Маҳалладошлари олдида изза бўлган ва ўғли Шуҳратнинг келаётганини кўриб, ундан куч олган харидор, яъни Юсуф Юлдашев ўша жойда турган челакни олиб қассобга отади. Бу жанжалга бир томондан Юсуфнинг ўғли Шуҳрат, иккинчи томондан қассобнинг ўғли Шоймардон аралашади. Қассоб икки қўлида иккита пичоқ билан ҳамла қиларди. Қўйнинг жигари устида бўлган бу "жанг"да Шуҳрат бир неча жойидан жароҳат олиб, йўл бўйидаги газ қувурини қучоқлаганча йиқилиб қолди. Воқеанинг қонли тус олаётганини кўриб, эсҳушини йиғиб олган Шоймардон отасининг қўлидан пичоқни тортиб олди. Шунда пичоқ унинг кафти ва бармоқларини жароҳатлади. Маҳалладошлар ҳам, албатта қараб туришмади, уларни аҳратиб қўйишга ҳаракат қилишди.

Хуллас, жанжал Шуҳратнинг йиқилиб қолиши, ота-бола қассобларнинг эса ўз уйлари томон қочиши билан якун топди. Жигар харидори Юсуф бу талотўпдан омон чиқди ва ярадор бўлган ўғлини шифохона томон олиб кетди. Шуҳрат шифохонада етти кун даволаниб чиқди.

Косон туманининг Арабхона маҳалласида юз берган бу воқеа юзасидан суриштирув ва тергов ишлари бошланиб кетди.

Ишни токи судга оширгунга қадар давом этадиган шундай бир жараён борки, бу жараён давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, агар таъбир жоиз бўлса, қора терга ботиб ишлайдилар. Жиноят рўй берган жойни кўздан кечириш ва суратга олишдан тортиб, ашёвий далиллар тўплаш, ўнлаб гувоҳларни сўроқ қилиш, уларнинг кўрсатмаларини солиштириб ўрганиш, жиноятчининг ҳар бир ҳаракати ва ҳолатлар Жиноят кодексининг қайси моддаларига тўғри келишига қараб хулоса чиқариш, шифокорлар фикрини олиш... жуда мураккаб ҳамда диққатталаб иш. Гап инсон тақдири устида бораркан, бу йўлда адашиш мумкин эмас.

Суд Шодмон Турсунқуловнинг жиноий иши бўйича тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, жиноятчининг ва гувоҳларнинг берган кўрсатувларини тинглаб, одилона хулосага келди ва унга қонун доирасида жазо тайинлади.

Дарвоқе, қассоб ва харидор ҳамда уларнинг ўғиллари билан боғлиқ юқорида келтирилган жиноят рўй бермаслиги мумкинмиди? Албатта, мумкин эди. Бунинг ечими жуда оддий. Аввало, харидор олган маҳсулоти учун пулини тўласа, олам гулистон эди. Ундан кейин, харидор пулини тўламай кетаётган экан (балки хаёли паришонлиги билан), қассоб бир оғиз унга эслатиб қўйса кифоя эди.

Хуллас, қўйнинг бир бўлак жигари халқимиз ибораси билан айтганда, "ичи танг" кишиларни ана шу қўйга солди. Айтмоқчимизки, ҳар бир ишда мулоҳаза қилиш, бағрикенгроқ, кечиримлироқ, сабр-бардошлироқ бўлиш ҳеч қачон инсонга панд бермайди.

Олди-берди можароси

Дилдора Наимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) асли наманганлик бўлиб, пойтахт бозорларида савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб юрарди. 2008 йил ёзда ўзига тегишли "Нексия"да Наманганга кетаётиб, бензин пулини қоплаш мақсадида йўловчи олиб кетишни ният қилди-ю, йўловчи сифатида ўтирган Қаҳҳор Саидов билан шу тариқа танишди. Қаҳҳор Россияга ҳўл мева олиб бориб, сотиш билан шуғулланар экан. Буни эшитган Дилдора, ундан Россияга боришса-да, тузукроқ иш тополмаётган укаларини қўллаб юборишни сўради. Аёл кишининг раъйини қайтаришни истамаган Қаҳҳор, ёрдам қилишини айтди. Шу баҳона бўлиб, ўзаро телефон рақамларини алмашиб, келгусида "ҳамкорлик" қилишга келишиб олишди.

Каримберди ҒАНИБОЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори
Мақсудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

Дилдора Тошкентга қайтганидан сўнг Қаҳҳор қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Бу ҳолат яна такрорланиб, кейинчалик у аёлнинг уйига ташриф буюрадиган ҳам бўлди. 2011 йилнинг ёзида бозордаги ишлари юришмай қолган Дилдора унинг ёрдами билан икки дугонасини эргаштириб, Новосибирск шаҳрига йўл олди. Жарақ-жарақ пулларни орзу қилиб, ўзга юртларга отланган аёл, кўп ўтмай тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашганча ватанига қайтди. Тошкентга келиб, автомашинасини сотди ва Ангрен шаҳридан 2-хонали уй сотиб олди. Хонадонни жиҳозлаб, укаси ва келини билан бир жойда яшай бошлади.

Шундай кунларнинг бирида, аниқроқ қилиб айтганда, 2012 йилнинг 16 январь куни Қаҳҳордан қўнғироқ бўлди. Ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, яқин кунларда бир иш билан Тошкентга боришини айтиб, кўришишни таклиф қилган эди, Дилдора айни пайтда Ангренда яшаётгани, келадиган куни телефон қилса, манзилни тушунтиришини айтди.

Орадан икки кун ўтиб, қўнғироқ қилган Қаҳҳор, йўлга отланганини маълум қилди ва шу куни кечки пайт Дилдоранинг уйига етиб келди. У Дилдора ва унинг укаси Азамат билан дастурхон атрофида анча вақт гурунглашиб ўтирди.

— Новосибирскдаги бозор олдида жойлашган кафенинг "аренда"сини гаплашиб қўйдим. Шуни юрғизишга ишончли одам керак. Агар хўп десанглар, сизларни олиб кетардим.

— Қайдам, ўтган сафар ишлар ўхшамаганидан кейин ҳафсалаям қолмади, — деди Дилдора рўйхушлик бермай.

— Бу гал унақа бўлмайди, — дадил сўз қотди Қаҳҳор. — Ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда бўлади. Ишни йўлга қўйиб олсак, пулнинг ўзи оқиб келаверади. Бизнес шунақа, таваккал қилмасанг, бирор нарсага эриша олмайсан.

— Тўғри, ҳаракат қилиб кўриш керак, — унинг фикрини тасдиқлади Азамат. — Лекин бошланишига пулни қаердан топамиз?

Айни шу гап Қаҳҳорга олдиндан ўйлаб юрган режасини ошкор қилишга имкон яратди. Шу боис, вазминлик билан гап бошлади:

— Топамиз. Фақат.., — у пиёлани қўлида айлантириб, бироз қаловланди. — Фақат бир одамни топишимиз керак бўлади.

— Кимни, мен уни танийманми? — қизиқди Дилдора.

— Йўқ, сиз уни кўрмагансиз. У билан олди-бердимиз бор эди, ундан қарз олгандим. Озгина кутиб турса, ўзим қайтарардим. Аммо у қарзимни қачон қайтарасан, деб қўймади. Ахийри шунинг овозини эшитмай, деб ўзимга тегишли ерни пулни қайтаргунимча гаровга бердим. Муттаҳам, еримни 70 минг долларга сотиб, Тошкентга қочиб кетибди. Ҳозир мендан яшириниб юрибди. Қўлимга тушса-ку, нақд терисига сомон тиқаман-а! Ундан пулни олсак, бир-иккитасидан қарзимни узардим, кейин Россияга кетардик, — у шундай дея Дилдорага назар ташлади. — Танишларингиз бўлса айтинг, пулни ундиришга ёрдам бериб юборишсин.

Дилдора бир нуқтага тикилган кўйи ўйчан жавоб берди:

— 70 минг доллар катта пул. Аниқ ваъда беролмайман-у, таниш топишга ҳаракат қилиб кўраман.

Шу тахлит давом этган суҳбат жиноий ҳаракат томон қўйилган илк қадам эди. Бир неча кундан сўнг яна Дилдоранинг уйида пайдо бўлган Қаҳҳор қидираётган одамини топганлигини маълум қилди-да, Дилдорани ҳам ўзи билан олиб кетишини айтди.

— Нега сиз билан боришим керак? — ҳайрон бўлиб сўради бека.

— Айтгандим-ку сизга, у мендан қочиб юрибди, деб. Эшикнинг "глазоги"дан мени кўрса, икки дунёдаям очмайди. Шунинг учун сиз эшик қўнғироғини чалиб берасиз. Кейин ўзим ичкарига кириб, у билан ҳисобкитоб қиламан. Пулни қўлга киритишимиз билан укангизни болалари билан Россияга жўнатиб юбораман. Хўш розимисиз?

Аёл рози бўлди.

2012 йил 25 январь, соат 10:15. Ботир турмуш ўртоғи Малика ва 4 нафар фарзанди билан ижарада яшаб келаётган уйда бир неча дақиқалардан сўнг унга ажал таҳдид солишидан бехабар телевизор кўриб ўтирарди. Эшик қўнғироғи жиринглади. Малика ким биландир телефонда гаплашаётганлиги боис, эшикни ўғли Аббос очди. Эшик томондан аёл кишининг "Ойинг қани?" дея сўраган овозини эшитган Ботир ким келганлигини аниқлаш учун эшик томон йўналди.

— Сизга ким керак?

— Хотинингиз уйдами?

Ботир жавоб беришга улгурмай, юқори қаватда яшириниб турган Қаҳҳор чопиб келиб, унга ташланди. Хонадон соҳиби оёғига санчилган пичоқ зарбидан инграб юборди. Вазиятни бундай тус олишини кутмаган Малика аввалига довдираб қолди, ўзини ўнглаб олгач, эрига ёрдам беришга ошиқди. Бироқ Дилдора унинг йўлини тўсиб, бўйнига чанг солганча, деворга қадади. Болалар қўрқувга тушиб, дод сола бошлашди. Аммо уларнинг фарёди босқинчиларга кор қилмас, ўз режаларини "беками-кўст" бажаришга уринишарди. Қаҳҳор Ботирни хотини ва фарзандларининг кўз ўнгида ўлдириб, ётоқхонага судраб кирди. Сўнгра хоналарни тинтиб, 60 минг АҚШ доллари, баҳоси 500 минг ва 300 минг сўмлик иккита уяли телефон аппаратлари ҳамда 1 млн. сўмлик тилла узукни олиб, шериги билан бирга жуфтакни ростлади...

Кўп ўтмай Д.Наимова ҳибсга олинди ва суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди. Қилғиликни қилиб қўйиб, жуфтакни ростлаган Қ.Саидовга нисбатан қидирув эълон қилинди. Қочиб қаёққа ҳам борарди. "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" дейилганидек, вақти келиб у ҳам қилмиши учун, албатта, жавоб беради.

Ўрганган кўнгил...

Одамни кўринишидан эмас, қилган ишларидан танишади, дейишади. Дарҳақиқат, баъзи инсонлар ўзининг эзгу амаллари, яхши фазилатлари билан ном чиқарса, бошқа тоифадагилар безорилиги-ю, зараркунандалиги билан "таниқли" бўлади. Биринчисини кўрган одамларнинг унга нисбатан ҳаваси ортса, иккинчи тоифалагилар ҳақида сўз кетиши билан ҳамма юзини буриштиради.

Рашидбек МЕҲМОНОВ,
Бағдод туман прокурори ёрдамчиси

Элбек Ҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иккинчи тоифадагилар сирасига киради. Бирор давра ёки кўчакўйда кимдир у ҳақда гапириб қолса, суҳбатдошлар дарҳол "гапирма-ей, ўшани", дея оғзига "уришади". Бунга нима сабаб? Ахир "таржимаи ҳоли"нинг ҳар бир қаторида судланганлик ҳақидаги жумлаларни учратганингиздан кейин, ундан яна нима кутиш мумкин?!

1974 йилда Бағдод туманида туғилган Э.Ҳамидов бир неча бор судланган бўлишига қарамай, тавба қилмади. Ҳалол меҳнат қилишга тоби йўқлиги боис 2012 йилнинг 10 январь куни "ов"га чиқди. У туманнинг Бўстон даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг ёнига келиб, олдиндан тузган режасини амалга ошириш учун қулай вазиятни кута бошлади. Кечки пайт соат тахминан олтиларда бир аёлнинг ёлғиз келаётганини кўриб, унинг изидан тушди. Лола ортида шубҳали одам пайдо бўлганини кўриб, қадамини тезлатди. Бироқ босқинчининг таъқибидан қочиб қутула олмади. Элбек унга ташланиб, сумкасини тортганида, Лола ерга йиқилди. Бундан фойдаланган босқинчи унинг бошига бир неча марта тепиб, тан жароҳати етказади-да, сумкадаги 510 минг сўм пул ва пластик карточкани олиб, жуфтакни ростлади.

Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида Элбек Ҳамидов қўлга олинди ва жазо муқаррарлиги таъминланиб, яна панжара ортига жўнатилди.

Қонунийликни таъминлаш йўлида

/Давоми. Бошланиши 4-бетда/

"Retal Group" масъулияти чекланган жамият раҳбари З.Эралиев эса "Асака" банк Автотранспорт филиали томонидан қўшимча маҳсулотлар сотиб олиш учун олинадиган кредит маблағларининг берилиши пайсалга солинаётгани тўғрисида ишонч телефонига мурожаат қилиб, ёрдам сўраган эди. Ушбу мурожаат ҳам туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, унга 40 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи берилиши таъминланди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ва Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг туман бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Бош прокурорнинг юқорида қайд этилган буйруғи ижроси бўйича ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан туман ҳокими ва департамент бошлиғи номига тақдимнома киритилган. Тақдимномани кўриб чиқиш натижасига кўра 5 нафар ходимга интизомий жазо қўлланилган.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида жойлашган "Илон тилла балиқ" МЧЖ раҳбари Ш.Ниязовнинг Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси ходимларининг иш фаолиятидан норози бўлиб Тошкент шаҳар прокуратурасига ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди ва ҳақиқатан ҳам биржа ходимлари бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйганликлари аниқланди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасида республика ҳудудларида ун маҳсулотлари савдосини тартибга солиш чораларига бағишлаб 2012 йил 12 июлда ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси томонидан эркин биржа савдосига қўйилган ун маҳсулотларини харид қилиш бўйича савдоларда "Илон тилла балиқ" МЧЖ ҳам қатнашиб, 35 тонна унни тегишли шартнома асосида харид қилади.

Бироқ, биржа битимларини рўйхатга олувчи биржа бўлинмаси, яъни маклери "Илон тилла балиқ" МЧЖнинг ун маҳсулотини сотиб олганлиги ҳақидаги битими гўё Адлия вазирлигида 2005 йил 24 февралда рўйхатга олинган "биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида"ги Вақтинчалик низом талабларига тўғри келмаслиги, яъни чакана савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи гувоҳнома нусхаси тақдим қилинмаганлигини важ қилиб, асоссиз равишда рўйхатга олмаган.

Ваҳоланки, юқорида қайд этилган низомда улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг биржа савдоларида қатнашишларига ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган. Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасида: "Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ, қонун ҳужжатлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади", дея қайд этилган бўлсада, ушбу ҳолатда бунга амал қилинмай, қонун талаблари бузилган.

Шунга кўра, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси бошқаруви раиси номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди ва кўп ўтмай, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ишларимиздан кўзланган мақсад қонун устуворлигини таъминлашдир. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда тараққиёт ҳам бардавом бўлади.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

«Асака» банк – омонатларни жалб қилиш бўйича энг яхши банк

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Банк томонидан ҳозирги кунда мижозлар учун 80 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий этилган бўлиб, 2012 йил давомида қўшимча 14 та янги омонат турлари очилди. Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида аҳоли омонатлари миқдори 2012 йилда 46,0 млрд. сўмга ўсди ва 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳоли омонатлари ҳажми 310,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз тўлов тизими ривожланишида банк пластик карточкаларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки пластик карточкалар орқали биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва нафақа тўловларини ўз вақтида тўлаш имкони яратилса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликларни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар олиб борилди. Банк томонидан мижозларга 1080,7 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди. 8 минг 889 та терминал, 35 та банкомат ва 45 та инфокиоск ўрнатилди. 6 минг 792 та корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари жорий этилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2012 йил мобайнида савдо айланмалари миқдори 990,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

"Халқаро пластик карточкалар ("MasterCard") орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими"ни кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 110 минг донадан ошиб кетди.

"Асака" банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ва пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар республикамиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Ўзбекистон Республикаси Банклар Уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан 2012 йил якунлари бўйича танлов ўтказилди.

Танловда республикамиздаги 29 тижорат банклари, 832 тижорат банклари филиаллари, 4 мингдан ортиқ мини-банк ва махсус кассалар қатнашди.

Танлов якунларига кўра, "Асака" банк ғолиб чиқиб, "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки" номинацияси бўйича 3-ўринни эгаллади.

"Асака" банкнинг Асака филиали "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинацияси бўйича ғолиб чиқди ва 2-ўринни эгаллади.

"Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётда жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали" номинациясида "Асака" банкнинг Тошкент шаҳар филиали ғолиб чиқди ва 1-ўринни эгаллади.

"Асака" банк Бухоро филиали етакчи мутахассиси Бибиражаб Атамурадова "Омонатларни жалб қилиш бўйича банк фахрийси" деб топилди.

Шунингдек, "Асака" банк "Энг яхши пластик карточкалар Экваери бўлган банк" деб топилди.

Ушбу ютуқларга эришиш "Асака" банк тизимида бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат бермоқда.

"Асака" банк жамоаси Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган "Обод турмуш йили"да нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун инвестиция ресурсларининг муҳим манбаи сифатида аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш ва бу орқали иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялашга, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича янада фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

Б.МЎМИНЖОНОВА тайёрлади

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали қуйидагиларни маълум қилади!

"KMSX" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали фаолият кўрсатаётган манзилини Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси 34-уйга кўчирилди. Аукцион савдоларини ўтказиш ва аукцион савдоларида иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ушбу манзилда амалга оширилади. Тел: (8-590) 943-40-53. Филиалнинг янги телефон рақами тўғрисида қўшимча равишда маълумот берилади. www.1kms.uz

Жорий йилнинг 6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида тингловчилар ҳамда прокуратура соҳасида бир неча йиллар давомида самарали меҳнат қилган ва ҳозирда қарилик гаштини суриб келаётган фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Мерос бўлган анъана

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Учрашувни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи Толиб Умаров очиб, тингловчиларни ташриф буюрган фахрийлар Облоқул Ҳамроев, Султонмурод Норхўжаев, Юсупбой Ғоипов (Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ўринбосари)лар билан таништирди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов сўз олиб, Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. Марказ прокуратура органларида меҳнат қилиб, нафақага чиққан 310 нафар фахрийни бирлаштиргани, уларга зарур моддий, маънавий ва тиббий ёрдамлар кўрсатилиб келинаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, инсон қадри унинг меҳнати, эл-юрт, Ватан, жамият ва давлат ривожига қўшган ҳиссаси, қолаверса, ўз касбига бўлган садоқати ва фидойилиги билан баҳоланади. Облоқул Ҳамроев, Султонмурод Норхўжаев, Юсупбой Ғоиповлар ҳам ана шундай ўз касбига фидойи бўлиб, улар прокуратура органлари тизимида самарали хизмат қилган фахрийлардан. Улар ўтган давр мобайнида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашишда мардонавор меҳнат қилганлар. Фахрийлар ўз иш тажрибалари ҳақида тингловчилар билан ўртоқлашар экан, энг аввало, қонун талаб этадиган барча вазифаларни сидқидилдан ва адолат тамойилларига таянган ҳолда бажариш шу касб эгасининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган учрашув тингловчиларнинг келгуси иш фаолиятларида муҳим ўрин тутишига ишончимиз комил.

Осиё кубоги-2015 саралаши дуранг билан бошланди

Айни вақтда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг бор эътибори март ойида жаҳон чемпионатига саралаш баҳслари доирасидаги Ливан терма жамоасига қарши ўйинга қаратилган. Бироқ ўз навбатида Осиё кубоги-2015 саралаш ўйинларини ҳам бир четга суриб қўйиб бўлмайди. Тўғри, гуруҳимизда биргина Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси жиддий рақиблек кўриниши мумкин. Аммо бугунги кунда футбол дунёнинг барча мамлакатларида ривожланиб бормоқда. Шунинг учун Гонконгга қарши Миржалол Қосимовнинг шогирдлари жиддий тайёргарлик кўришди. Йиғинга деярли оптимал таркиби жалб этилди.

Аввалига Бирлашган Араб Амирликлари давлатида ташкил этилган йиғинда терма жамоамиз аъзолари бир қатор назорат учрашувларида майдонга тушди. Шундан сўнг ўқув-йиғин машғулотлари Тошкентда давом эттирилиб, Гонконг терма жамоасига қарши бўладиган ўйин олдидан жиддий ҳозирлик кўрилди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, миллий терма жамоамиз шу пайтга қадар Гонконг билан 5 марта тўқнаш келган. Уларнинг тўрттаси Осиё Кубоги саралаш босқичларида ўтказилган бўлиб, биттаси Осиё ўйинларига тўғри келади. Ўзаро беллашувларда вакилларимиз 3 ғалаба ва 2 дуранг билан устунликка эга.

Энди бевосита 6 февраль куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳида ўтказилган ўйин ҳақида тўхталадиган бўлсак, учрашув меҳмонларнинг кутилмаган ҳужумлари билан бошланди. Сал ўтмай терма жамоамиз сардори Сервер Жепаровда иккита қулай вазият юзага келди. Бироқ Жепаровнинг зарбаларига аниқлик етишмади. Шундан сўнг бутун бўлим давомида футболчиларимиз тўпни назорат қилишган бўлса-да, айтарли хавфли вазиятларни юзага келтира олишмади. Қанотлардан жарима майдонига етказилган тўпларни рақиб ҳимоячилари қийинчиликсиз қайтаришга муваффақ бўлишди. Шундай вазиятларнинг бирида тўп учун курашган Темур Қапдзэ рақиб ҳимоячи билан тўқнашиб, бошидан жароҳат олди. Унинг ўрнига майдонга Александр Гейнрих туширилди. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Сервер Жепаровнинг жаримадан йўллаган зарбасини Гонконг терма жамоаси посбони қайтаришга муваффақ бўлди ва бўлим шу тариқа 0:0 ҳисоби билан якунланди.

Иккинчи бўлимда терма жамоамиз аъзолари бироз темпни оширишди. Бунинг натижасида учрашувнинг 56-дақиқасида Бақоевни тўхтатиб қолгани учун гонконглик ҳимоячига қизил карточка кўрсатилди. Шундан сўнг Миржалол Қосимовнинг шогирдлари рақибни деярли жарима майдонига қамаб қўйди. Бироқ ўйин сўнггига қадар бутун жамоа бўлим ҳимояланаётган меҳмонлар дарвозасини ишғол этишнинг имкони бўлмади. Ўйин 0:0 ҳисобидаги дуранг билан ўз якунига етди.

Ўзбекистон - Гонконг 0:0

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *

Аукцион савдолари хабарномаси!

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларини ўтказувчи комиссияси иштирокида Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шаҳар ва туманлардаги ташкилотлар устав фондидаги улушлари ЛОТ тартибида 2013 йил 19 февраль куни соат 12:00 да ташкил қилинадиган такрорий "Аукцион" савдоларига чиқарилишини эслатиб ўтамиз.

1-ЛОТ. "Когонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши, **бошланғич баҳоси 64 790 525 (олтмиш тўрт миллион етти юз тўқсон минг беш юз йигирма беш) сўм;**

2-ЛОТ. "Қорақўлматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши, **бошланғич баҳоси 99 484 374 (тўқсон тўққиз миллион тўрт юз саксон тўрт минг уч юз етмиш тўрт) сўм;**

Закалат пули миқдори юқоридаги мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдосида ғолиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР 301480431, МФО 00120 ДАТ Асака банки Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 20208000504828225001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (3-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvrtradeservice@mail.ru

"Qashqadaryo mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 27.12.2012 йилдаги ХБ371/12-сонли буйруғига асосан, Қарши тумани Ертепа ҚФЙ, Мирмирон қишлоғида жойлашган, "Мулк ўттиз" МЧЖнинг устав фондидаги **бошланғич баҳоси** — 2 039 776 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Улуш" деб аталувчи) 95 фоиз давлат улуши қўйилмоқда.

— Балансда сақловчининг номи: "Мулк ўттиз" МЧЖ.

— Фаолият — ихтисослиги: Юк ташиш бўйича авто хизмат.

Савдо 2013 йил 12 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 7 март куни соат 18:00.

Улуш 2013 йил 12 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 19,27 март ва 4 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 19 мартдаги савдо учун 2013 йил 15 март куни соат 18:00; 2013 йил 27 мартдаги савдо учун 2013 йил 25 март куни соат 18:00; 2013 йил 4 апрелдаги савдо учун 2013 йил 2 апрель куни соат 18:00.

Талабгорлар Улуш бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунга қадар АТИБ "Ипотека-банк" Қашқадарё вилоят ф-лидаги: 20208000304942030002, МФО: 00190, СТИР: 302127131 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Тел/факс (8-375) 225-41-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-6371. 53 476 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617